

## ◆ ТҮЛҚИН ФАРЗАНДИ ◆

Қадим замонда дengiz бүйіда Бакабака исмли қыз яшар, у дengизни жуда ҳам яхши күрар экан. Бакабака ёшлигиданоқ она-сига уй ишларыда ёрдам берар, бүш вақтини дengiz соҳилида ўтказар экан. У құмда яйраб ўйнар, сувда чўмилар, дengиздан қис-қичбақа ва чиганоқ тутар экан.

Ҳамма уннинг дengизни бунчалик яхши күришидан куларкан, би-роқ у дengиздан узоқда яшайдиган йигитга ҳеч қачон турмушга чиқмайман деркан. Бакабака қанчадан-қанча чиройли, келишган йигитларға рад жавобини беребди, чунки улар дengiz күринмай-диган, түлқинларниң шовқини эшитилмайдиган узоқ ўлкаларда яшашар экан. Ниҳоят у дengиз бүйінде яшайдиган бир йигитта тур-мушга чиқнбди.

Түйдан кейин ҳам Бакабака дengизга боришини қўймабди. Қайнанаси уннинг бу қилиғини ёқтирипас, уйда тинчгина ўтириб, бүйра түқиши ёки илга мунчоқ тизиш ўрнига нима учун дengиз бүйіда ёлғиз дайдиб юршишга қайрон бўларкан.

Бакабака қыз кўрганида эса, сершамол соҳилга қўниксин деб, қизини ҳам дengиз бүйинга олиб борадиган бўлибди.

Дастлабки вақтларда бола Бакабаканиң ишлашига халал бер-мабди. У бақувват ва эпчил экан, боласини орқасига боғлаб олиб, экинзорида ишлайвераркан. Бироқ кейинги ёзда қизалоқ оёчиқариди, бир жойда турмайдиган бўлиб қолибди. Энди Бакабака экинларини қийинчилек билан ўтоқ қиласидиган бўлибди. У нима қилсам экан, деб ўйлаб қолибди. Қайнанаси ҳали жуда бақувват, ишлашда Бакабакадан қолишмас экан. У ҳеч қачон кампирлардек уйда ўтириб бола боқишига рози бўлмас экан. Уннинг ҳам ўзи боқсин, ерига ҳам ўзи қарасин, деркан.

Бакабака шўрлик нима қиласин? Энди у боласини орқасига боғлаб ишлай олмас, бирпас ўз ҳолига қўйса, албатта бир кори ҳол бўларкан. Қизчасининг исми Нтомби экан.

Кунлардан бир кун әрталаб Бакабака денгиз ёқалаб әкинэозында кетаётіб, нима қилиш кераклигини ўйлады. У ўзи севган денгизга боқибы. «Менга денгиз ёрдам берә олғанда әди,— деб ўйлады у,— ишлаб бұлгунимча тұлқинлар боламни тебратиб турмасмикін?» У ниятнин синааб күрмоқчи бўлибди. Боласини шундайгина қирғоққа олиб бориб қўйибди-да, ўзи орқасига ти-сарилиб, қўшиқ куйлай бошлабди:

О, шамоллар, о, тұлқинлар!  
Шамоллару тұлқинлар!  
Товоғимни авайланғыз —  
Топширдім сизга;  
Сақланғ ёғоч товоғимни,—  
Амаси<sup>1</sup> лим-лим  
Ҳамда менинг Нтомбимни  
Айланғ әҳтиёт!<sup>2</sup>

Тұлқинлар қизалоқнинг атрофіда майин чайқалибди ва уни авайлабгина ўз орқасидан узоқ-узоқларга әргаштириб кетибди. Нтомби хурсанд бўлиб онасига қўл силкибди. Шундай қилиб, Бакабака даласига йўл олибди.

Кеч кириб, ботиб бораётган қуёш нурлари ажиб бир манзара кашф этганды Бакабака денгиз бўйига, Нтомбини қолдирган жоғига қайтиб келибди. Бу пайт сувнинг пасайған вақти бўлиб, сув қирғоқдан анча нарига қайтган экан. Бакабака ҳўл қум устидан юриб борибди-да, оёғи сувга теккакч куйлабди:

О, шамоллар, о, тұлқинлар!  
Шамоллару тұлқинлар!  
Әй, умрбод эсувчи еллар!  
Товоғимни қайтаринг энди,—  
Амасили ёғоч товоғим,  
Қайтарингиз Нтомбимни ҳам!

Тұлқинлар аста-секин ҳаракатга келиб, қирғоққа майин урилибди.

Бакабака қараб турған экан, бир маҳал катта тұлқин күтарилиб, у томонга келә бошлабди. Тұлқин қирғоққа келиб урилиб, орқасига қайтгакда, кичкина Нтомби Бакабаканинг оёғи остида ётаркан. Үнинг қоп-қора ҳўл бадани қуёш нурида ялтираб туаркан.

Бакабака хурсанд бўлиб қизалоғини кўтариб, орқасига боғлаб олиди.

— Сен бугунги кунни қандай ўтказганингни менга айтиб бера олсанг эди,— дебди Бакабака, қизалоқ эса ўзининг тушуниб бўлмас тилида нималардир деб гужурлар экан. Бакабака уйига шошилибди, унинг қалби қувончга тўла экан: ахир дўсти денгиз унига ёрдам берди-да.

Энди Бакабака ҳар куни хотиржам ўз боласини тўлқинларга топширадиган бўлиди.

Ўтоқ тугагач, аёллар йифим-теримгача дам оламиз деб, хурсанд бўлишибди. Қайнанаси Бакабаканинг ерини кўриш учун бориб, ҳангуманг бўлиб қолибди. Чунки унинг даласи жуда тоза ўтоқ қилинган, экинлари эса яшнаб турган экан. Кунларнинг бирида қайнона келини билан даладан қайтаётисб, унга дебди:

— Қандай қилиб ҳам болангни эплаб, ҳам экинларингни бунчалик яхши парвариш қилолдинг?

Бакабака тўлқинлар ҳақида қайнанасига ҳеч нарса демабди. У агар эрим болани тўлқинларга топшириб, ўзим ишләётганинг билса жаҳли чиқади деб қўрқиб, айтмабди.

Мана, ҳозир ҳам қизча онасининг орқасидаги чарм тўрвада ўтиракан, тўрвадан тушиб денгизга югуриб кетмоқчидек талпинибди. Тўлқинлар ҳам худди қизча билан ўйнагиси келаётгандек Бакабаканинг атрофида чайқалиб-сапчиб Нтомбига сув сачратибди.

Бироқ ёш она индамабди. Қайнанасининг олдида дўсти денгизга миниатдорчилик ҳам билдира олмабди. Бу жимлиги билан ўз бошига қандай фалокат ортираётганини хаёлига ҳам келтирмабди.

Орадан бир неча кун ўтгач, қайнанаси Бакабакага кулбанинг устини ёпиш учун пичан ўриб келишни буюриб, ўзи ўғли ва бошқа эркаклар билан қўшни қўргонга пиво<sup>1</sup> ичгани кетибди. Бакабака ўт ўргани бораётисб, денгиз бўйига етганда қизалоғини яна тўлқинларга топширмоқчи бўлибди-ю, қўшиғини куйлабди. Бу сафар тўлқин ҳар галгидан баландроқ кўтарилиб, ўқдай отилиб келибди-да, худди тезроқ олиб кетмоқчидек қизчани қувонч билан бағрига олиди.

Бакабака пичан ўриб бўлиб, денгиз бўйига қайтганида кеч бўлиб қолган экан. У пичан боғламини қум устига ташлаб, сувга яқин борибди-да, қўшиғини куйлабди. Бироқ у «Қизим Нтомбини қайтаринглар», деб охирги сўзларини айтиб бўлса ҳамки, катта тўлқин кўтарилимабди ва қизини олиб келмабди. Денгизда ғалати осойишталик ҳукм сураркан. Фақатгина майдада тўлқинлар шовқиниз пилдираб келар, қумни ювиб орқасига қайтаркан.

<sup>1</sup> П и в о — маккажўхоридан тайёрланадиган ичимлик.

Бакабака нарироққа югуриб бориб, яна күйлабди. Энди денгиз бутуилай тинчиб қолибди. Бакабака ўзини сувга ташлаб, анча жойгача сузиб борибди-да: «Нтомби! Нтомби!» деб бор овози билан чақира бошлабди. Унинг орқа томонида эса қуёш ботаётган, қизғиши тусда аллангаланиб турган осмон денгизни ҳам пуштирангра бўяган экан.

Қўрққанидан эсанкираб қолган она денгиз бўйнда телбаларча ўёқдан-буёққа югурап, кейин яна сувга тушиб кетар экан. Чўкиб кетишига сал қолибди-ю, аммо шунда ҳам у сувдан чиқмай, қизини чақираверибди. Бу чақиришларга ҳеч қандай жавоб бўлмабди. Шамол тиниб, денгиз соҳили жимжит бўлиб қолибди. Тун кирибди: Ниҳоят Бакабака энди денгиз унга қизини қайтариб бермаслигини тушунибди.

Бакабака чарчаб, ҳориб, оёқларини зўрға судраб босиб уйнга қайтиб келибди. Уйга келса эри билан қайнонаси йўқ экан. Ана шунда Бакабака улар уйга келиб бу гапдан хабар топса, роса жаҳли чиқади деб ўйлаб, ваҳимага тушибди.

— Балки денгиз мен билан ҳазиллаштаётгандир,— дебди у ўзиға-ўзи,— эртага албатта боламни бағримга босаман.

Шундай қилиб, у катта узунчоқ қовунни адёлга ўраб бағрига босибди-ю, ётиб қолибди. Қайнонаси билан эри келганда, Нтомби ухлаб қолибди, десин деб шундай қилибди.

Бакабака эрталаб уйғониб қараса, қовунни маҳкам бағрига босиб ётганниш. У ўрнидан турибди-ю, денгиз соҳилига қараб чопибди. Кун бўйи соҳилда қўшиқ айтиб бўзлабди, аммо тўлқин унинг қизалорни қайтариб бермабди. Шу-шу Нтомбидан дарак бўлмабди:

Бакабака туңда ўзини баҳтсиз ва иочор ҳис қилиб уйнга қайтиб келибди. Ў қайнонаси билан эрига бўлган гапни айтиб берибди. Бакабаканинг кўзларида шашқатор ёш, шундай аяичли аҳволда эканки, буни кўрган қайнонаси билан эри уни койишга ботинолмай, ўзлари ҳам қўшилишиб зор-зор йиглашибди.

Денгиз эса Нтомбини онасидан узоққа, нариги қирғоққа олиб бориб ташлабди. Нтомби бир оз иссиқ қум устида ётиб ўзига келгач, ўрнидан туриб соҳилда атак-чечак юра бошлабди. Соҳил бўмбўш экан. Ҳеч ким йўқлигини кўрган Нтомби йиглаб юборибди. Ў қайта сувга тушишга ҳаракат қилас, аммо тўлқинлар уни соҳилга, қум устига суриб ташларкан. Тўлқинлар билан олиша-олиша ниҳоят қизча чарчабди ва қум устига ўтириб олиб, чинқириб йиглай бошлабди.

Шу пайт қизчанинг кўзи узоқда турган бир оёқли новча кампирга тушиб қолибди. У кампир одамхўр бўлиб, денгиз тўлқинлари қирғоққа чиқариб ташлаган шох-шабба — ўтиларни териб олгани келаётган экан.

Қизалоқни кўриб ҳайрон бўлиб қолган кампир сакрай-сакрай

унинг олдига келибди. У бу қизчанинг бошқа қабиладан эканлигини дарҳол тушунибди. Сабаби қизчанинг иккита оёғи бор экан. Одамхўрлар қабиласидагиларнинг эса оёқлари фақат битта экан, холос. Қампир қўлидаги бир даста ўтинни ерга ташлабди-ю, астасекин қизга яқинлашибди.

Қизалоқ кампирдан ҳечам чўчимабди, чунки ўзини ҳамма яхши кўришини, эркалашиши билар экан-да. У дарҳол йигидан тўхтаб, бир оёқли кампирга қўлини чўзибди. Бу кекса жодугар қизалоққа аввалига бир парча гўштни кўргандек талпинибди, кейин эса ёмон ниятидан қайтиб, қизалоқни қўлига олибди. Қампир Нтомбига худди ўз бувисидай кўриниб кетибди. Аммо сал бошқачароққа ўхшабди. Қизалоқ хурсанд бўлганидан кампирнинг суюклари туриб чиқсан елкасига тирмашибди.

Салукази (кампирни шундай деб аташаркан) одамхўр бўлгани билан ҳар қалай аёл киши экан. Бунинг устига унинг ўз набиралини ҳам бор экан. Қампир қизалоқни елкасига ўтқизиб олиб кетибди.

Хўш, қизалоқни одамхўрлардан қандай асраб қолса бўлади?

Қизалоқнинг баҳтига уни ўз ҳимоясига олган кампир оддий одамхўрлардан эмас экан. У ёмғир ёғдира олувчи сеҳрга эга экан. Одамхўрлар ҳам икки оёқли оддий одамлардек деҳқончилик билан шуғулланишар, улар оладиган ҳосил эса, об-ҳавога боғлиқ экан. Шунинг учун ҳам бу жодугар кампирдан ҳамма қўрқар, унинг гапини икки қилмасликка ҳаракат қиларкан. Жодугар соҳилда ўтин териб юрганида тасодифан қизалоқни кўриб қолиб, олиб келганини қабиладошларидан яширмасликка, уни ўзи асраб олиш ниятида эканлигини айтишга аҳд қилибди.

Қампир бир боғлам ўтинни бошига қўйғанча сакрай-сакрай уйига йўл олибди. Ахир бир оёқли одам шундай сакраб юради-да. Нтомби ўз онасининг орқасига боғлаб кўтариб юришига ва тўлқинларнинг тебратишига ўрганиб қолганиданми, кампирнинг ҳар сакраганда силкитиши унга ёқмабди. Шунинг учун ҳам у бақириб йиғлаб юборибди. Бундан жаҳли чиқсан жодугар аввалига «одамхўрларга бериб юборсаммикин» деб ўйлабди-ю, аммо кулбасига етиб бориб, қизалоқни елкасидан туширгач, унинг алпон-талпон юришини кўриб, қаҳридан тушибди.

Салукази Нтомбига қатиқ ичирибди, кейин ётқизиб ухлатибди. Шундан сўнг, вақтни ўтказмай қизалоқни қабиладошларидан ҳисома қилишга ёрдам берадиган сеҳрли дори тайёрлашга киришибди.

Одамхўрлар уйларига қайтиб келингач, дарҳол янги одам гўшти ҳидини сезишиб. кечки овқатга мазали таом ерканмиз-да, деб ўйлаб хурсанд бўлишибди.

— Қизалоққа кўз олайтирманглар,— лебди кампир қатъий.— Мен кўндан бери ўзимга шундай ёрдамчи қизча излаб юардим.

Агар экинларингдан яхши ҳосил оламан десанглар, тегманглар унга.

Одамхўрлар бу гапни әшитишиб, ғазабга келишибди. Улардан биттаси кампирни итариб юбориб, қизалоққа ташланибди. Шунда Салукази қаттиқ пуллаган экан, шу заҳоти теварак-атрофда кучли бўрон туриб, бир оёқли одамхўрларни ерга қулатиб, ҳатто қўргонни ҳам денгиз томонга учириб юборай-учириб юборай дебди. Бу даҳшатдান одамхўрларнинг кайфлари учеб, кампирдан шамолни тўхтатишини илтижо қилишибди, бундан кейин қизалоққа тегмасликка ваъда беришибди. Аммо кампир одамхўрлар тавба-тазарру қилмагунча бўронни тўхтатмабди.

— Қайтанга шуниси маъқул,— деб бир-бирини юпатишибди одамхўрлар.— Майли, бу жодугар қизалоқни боқиб катта қилсин, семиртиурсин. Бари бир яқинда ўлади, ўлмаса қариб қолади, ўшанда ўзимиз маза қилиб еймиз. Ҳозир эса қизалоқ жуда кичкина, биттамизга ё етади, ё етмайди.

Орадан йиллар ўтибди. Қизча Салуказининг паноҳида улғайиди. Ў ўз уйининг узоқда қолганини, уни бу ерга тўлқин олиб келганини биларкан. Баъзида Нтомби сув бағрига шўнғиб, денгиздан ўз уйига элтиб қўйинини илтижо қиларкан. Аммо денгиз унинг илтижоларига қулоқ солмас, қиз хафа бўлганича соҳилга қайтиб чиқаркан. Нтомби жон-дили билан кампирга ёрдам қилас, кампирдан ўзига қилган яхшиликлари учун миннатдор экан. Аммо у одамхўрларнинг ваҳший одатларига қўнига олмас, ҳамиша дили хира бўлиб, ҳадиксираб юаркан.

Бу орада Салукази қизга қабиладошларидан яширинча ёмғир ёғдириш сеҳрини ва бошқа сеҳргарликларни ўргата бошлабди. Нтомби жуда қобилиятли шогирд чиқибди. Салукази қизнинг тезда сеҳрлаш илмини тўла ўрганиб, кейинчалик ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қурби етадиган бўлишига ишонаркан. Нтомби сидқидилдан хизмат қилганидан Салукази одамхўр бўлишига қарамай, уни яхши кўриб қолибди ва одамхўрлардан қандай қутқариш йўлини ўйлай бошлабди. Ҳатто у қизнинг одамхўрлардан қутулиб, уйига етиб олишига ёрдам берадиган сеҳрли восита қидира бошлабди.

— Мен қизнинг бу ердан эсон-омон кетиб, хавф-хатардан холи бўлганини билмагунимча хотиржам ўлолмайман,— деркан жодугар ўзига-ўзи.

Нтомби кундан-кунга тўлишиб, чиройли бўлиб, кекса сеҳргар са борган сари қариб, мункиллаб бораркан.

Бутун қабила уларни таъқиб этаркан.

— Энди ўлими яқин бу жодугарнинг!— дейишаркан одамхўрлар.

Ёғингарчилик кўп бўлган бир ёздан сўнг Салуказининг қўллари ва ягона оёғи шундай оғрийдиган бўлибди, у ётган жойидан туролмай қолибди. Одамхўрлар буни кўриб бир-биirlарига:

— Қампирға муносиб қурбонлик қиласынан пайт келди,— дейишаркан.

Нтомби уларнинг ўзига очкүзлик билан тикилишларини күриб даҳшатга тушаркан.

Кунлардан бир куни Салукази қиздан:

— Буларнинг ҳаммаси қаёққа кетиши?— деб сұрабди.

— Аёллар ўрмонга ўтин тергани кетишиди,— деб жавоб бериди Нтомби,— эркаклар эса катта пичоқларини чархлашяпти.

— Ох!— деб юборибди ётган жойида жодугар.— Бери кел, қизалогим, сенга айтадиган хуфя гапим бор.

Ҳадемай аёллар ва болалар ўрмондан қайтишибди. Нтомби кулбанинг эшигидан бундай қараса, одамхўрлар катта гулхан ёқишаётган экан.

Кейин улар каттакон сопол идишни синдиришибди-да, энг катта сопол бўллагини оловнинг устига қўйишибди. У қип-қизил чўр бўлганида Нтомбини чақиришибди:

— Бу ёққа кел. Ечиниб, мана бу сопол синифининг устига ўтири. Биз сени кечки овқатга пиширамиз!— дейишибди улар.

Нтомби қўрқувдан дағ-дағ қалтираганича уларнинг олдига борибди.

— Қўлларимни бир иситиб олай,— деб илтижо қилибди у,— шундай совуқ қотдимки, мендан таом пиширишларинг ҳам қийин.

Одамхўрлар унинг чўккалаб ўтириб исиниб олишига рухсат беришибди. Шу пайт Нтомби оловчи қаттиқ пуллабди-да:

— Хлви, хлви, хлви... Вахло, вахло вахло!..— дебди.

Гулханга Нтомбининг кўз ёшлари томиб кетибди-ю, шу заҳоти қаттиқ бўрон кўтарилибди. Бўрон бир зумда гулханни ўчирибди, эски кулбаларнинг томларини кўтариб, қум тепалар томонга учирив кетибди. Одамхўрлар даҳшатга тушиб, ўзларини таплатапла ерга ташлашибди. Нтомби эса хурсанд бўлганидан кўзларидаги ёши билан чопиб бориб Салуказининг кулбасига кирибди-ю, эшикни ичкаридан тачбалаб олибди.

— Эртага улар яна ўз айтганларини қилишади,— дебди кампир.— Сен бу ердан кетишинг керак, менинг ўлимим яқин, энди сени ҳимоя қила олмайман.

Кўп ўтмай одамхўрлар қабиласининг бошлиги Салуказидан бўронни тўхтатишини илтимос қилиб келибди.

— Ҳа-ҳа-а, илтижо қилиб келдингми?— дебди кампир заҳарханда билан, лекин бари-бир бўронни тўхтатибди.

Эртасига эрталаб Салукази билан Нтомби одамхўр аёлларнинг яна ўтинга кетаётганини кўришибди. Шунда Салукази Нтомбига кулбанинг нариги чеккасига боришини буюрибди. Қиз у ерга борганида каттакон илонга кўзи тушиб қолиб, жуда қўрқиб кетибди. Илон гиёҳлардан тайёрланган сеҳрли дори солинган

қопни ўраб ётаркан. Нтомбининг кўз олдида илон сассиз суд-ралганича кулбадан чиқиб кетибди.

— Ҳув анави шохни ол,— дебди жодугар.— У сенга йўлда ёрдам беради.

Нтомбига онасидек бўлиб қолган кампирни ташлаб кетиш жуда оғир бўлнибди, аммо жодугар унга бу ердан тезроқ кет, деб ёлворибди.

— Мен сенинг бу ерда ҳалок бўлишингга чидай олмайман,— дебди Салукази.— Агар сенинг дардингда ўлиб кетишими хоҳласанг, майли, қола қол. Ахир мен ҳар куни бўрон турғизолмайман-ку!

Ноилож кампир билан хайрлашиб, Нтомби секингина кулбадан чиқиб кетибди. Қўлига бояги сеҳрли шохни ушлаб олган экан. Шох унга йўл кўрсатар, бир кучига ўн куч қўшар ва уни хавф-хатардан ҳимоя қиласар экан. Тез учар балиқчи қушлар унинг бошида чарх уришар, аммо Нтомби улардан ҳам тезроқ учар, шох уни пардан ҳам енгил қўслиб қўйган экан.

...Бакабака Нтомбидан кейин бир нечта фарзанд кўрибди-ю, аммо Бакабаканинг назарида улар тўнғич қизнчалик сулув ва суюкли эмас экан. У қизнининг дардида йиғлайвериб кўзларида ёш қолмабди. Денгизни илгаригидай яхши кўрмайдиган бўлибди-ю, лекин бари бир ҳар куни соҳилга борар, тўлқинларга муngли тикилиб турар экан. Баъзан эса, сувда қизи Нтомби кўрингандай бўлар экан-у, бироқ унинг олдинга келмас экан.

Эз кунларининг бирада қечқурун Бакабака тағин соҳилда тентираб юрган экан. Бўум-бўш соҳилдан қараганда кўм-кўк сув уфқقا бориб тақаларкан. Бакабака энди кетмоқчи бўлиб турганида шимол томондан қандайдир бир нарсанинг тезлик билан ўзига яқинлашиб келаётганини кўриб қолибди. Бакабака келаётган нарсанинг қушми, одамни ёки жониворми эканлигини билолмай, ўша томонга тикилиб қолибди. У шунчалик тез, оёғи қумга тегиб-тегмай келарканки, Бакабака унинг кимлигини билолмай ҳайрон бўлибди. Яқинроққа келганда унинг ёш, гўзал бир қиз эканлигини кўрибди.

— Кимсан, қаёқдан келяпсан? Оёқ олишларинг бунча чаққон?— деб сўрабди Бакабака.

Шунда қиз унга қўлидаги оҳунинг шохини кўрсатибди.

— Мен сизнинг олдинсизга келишим керак эди,— дебди у.— Мана, кўряпсизми, шохининг учни пастга қараб турибди. Демак менинг сафарим тугади.

— Сен кимсан? Айт, кимсан?— деб қинқирибди-ю, Бакабака ўйлаб қолибди: «Борди-ю, бу Нтомби бўлса-чи? У ҳаёт бўлганида мана шу қиздек бўлар эди-да!» Кейин қиздан сўрабди:

— Айт-чи, қизим, сен қаёқдан келдинг? Нима учун якка ўзинг соҳида сайд қилиб юрибсан?

Нтобми ҳамма гапни унга айтиб берибди. Шунда онаси уни бағрига босибди.

— Йор, юр тезроқ уйга борайлик,— дебди хурсанд бўлганидан кўзёши қилиб.— Ҳали-замон қоронги тушиб қолади.

Бакабака қизини уйга олиб келганида катта хурсандчилик бешланибди. Нтобмининг келиши шарафига отаси каттакон оқ буқа олиб келиб сўйибди, ҳамма қабиладошларини чақириб, яхшилаб зиёфат қилибди.

Бакабака хурсанд бўлганидан деңгизнинг айбини кечибди-ю, аммо ҳеч қачон унга болаларининг тақдирини, фақат болаларининггина эмас, ҳатто набираларининг тақдирини ҳам ишонмайдиган бўлибди.

## ◆ ЕТТИ ҚУШ ВА ЕТТИ ИИГИТ ◆

Бу воқеа қадим замонда, зулуслар мөхир сеҳргар бўлган пайтда юз берган экан.

Қабила бошлиги Фелелва кун-тун қайгу чекиб яшаркан. Бир пайтлар у саккизта ўғли билан фахрланар экан. Лекин бир жангда уларнинг еттитаси ҳалок бўлиб, фақат биттаси тирик қолибди. Уша тирик қолган ўғли соқов экан. Қабила бошлиги эртадан кечгача Маслаҳат майдонида ўтирганча, водий этагидаги тоғ чўққисига мунгли термиларкан. Уша чўққи ёнида ўз қабиласи билан душман қабиласи ўртасида қаттиқ жанг бўлган экан.

Кунлардан бир кун қабила бошлигининг ёнига унинг энг яқин маслаҳатчиси Мбата келибди-ю, бир ғалати воқеани гапириб берибди.

— Бугун эрталаб ҳам,— дебди у,— кеча ҳам, ўтган куни ҳам қўрадан сигирларни чиқараётганимда,— ўзингиз биласиз, менинг сигирларим унчалик кўп ҳам, семиз ҳам эмас,— бир ғалати воқеанинг шоҳидн бўлдим.

— Қанақа воқеа экан?— сўрабди Фелелва.

— Бундай қарасам, молқўрам атрофидаги тўспиқда еттита чиройли қуш ўтирибди. Уларнинг бошлари яшил, тожлари ҳам бор. Назаримда улар мендан қўрқишмади. Ҳатто мени кузатиб туришганга ҳам ўҳшади. Анчадан кейин улар Эчкидарага қараб учиб кетишиди,— дебди маслаҳатчи.

Бу гапни эшигтан қабила бошлиғи сергакланибди. Ахир ўғилари ҳалок бўлган жанг ўша дарада бўлган экан-да.

— Бошидан айт-чи!— дебди у ва Мбата бўлган воқеани яна бир бошидан гапириб берибди.

— Менинг олдимга келиб яхши қилибсан,— дебди қабила бошлиғи.— Бу яхши гапнинг учун сенга еттита семиз сигир ҳадя қила-

ман. Ишончим комилки, у қушлар оддий қушлардан эмас, сеҳрли қушлар. Улар әхтимол ҳалок бўлган ўғилларимнинг руҳлариридир, кўнглимизга таскин бериш учун келишгандир. Мен еттига йигитга қушларни тутишни буюраман. Улар эрталаб хўроz қичқирмасдан туриб, сеҳрли қушларнинг келишини пойлашсин-да, уларни тутиш-син.

Фелелва олтига энг абжир йигитларни тўплаб, уларга ўзининг омон қолган кенжা ўғлини қўшибди. Бу ўғли жуда ақлли экан-у, аммо соқов экан. У умрида бирорта сўзни ҳам айтмаган экан.

— Сизлар ўша қушларни тутишларингиз керак,— дебди уларга Фелелва.— Менинг олдимга қушларни тутмасдан қайтиб келманглар. Қушлар қаёққа учса, ўша ёққа боринглар, борди-ю, йўл-йўла-кай сизларга кимда-ким қаршилик кўрсатса, аяманглар. Мана сизларга мустаҳкам қалқон ва ўткир наизалар.

Йигитлар дарҳол қафасчалар тўқиб, қўлларига қалқон ва наизаларини тутганча, кекса Мбатанинг қўргонига йўл олишибди. Улар кечаси Мбатаникнида тунавиши-да, эрталаб кун чиқмасдан қабила бошлигининг буйруғини бажаришга киришишибди.

Мбата ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб қараса, ўша ажойиб қушлар ҳар кунги дай қўра тўсифнiga қўниб ўтиришар, йигитлар эса сал нарироқда паналаб, уларни тутиб олишга шайланиб туришар-кан. Улар аста-секин қушларга яқинлашган маҳалда қушлар гурр этиб кўтарилибди-ю, Эчкидарага қараб учиб кетибди.

Йигитлар бир неча кун қушларни орқама-орқа қувиб боришибди. Қушлар тинмай учишар экан; тепаликлардан, ям-яшил ўрмонлар устидан, нотаниш қабилалар тепасидан, дарёлар ва тоғлар оша учиб ўтишибди. Йигитлар бу жойларни умрида кўрмаган, ҳатто эшитмаган ҳам экан. Ниҳоят улар қушларнинг чарчаб қолганини сезишибди. Ана энди уларнинг чиройли, сержило патларидан ушлаймиз, деб ўйлашибди йигитлар. Кечқурун улар қушларга жу-да ҳам яқинлашиб қолишибди.

Йигитларнинг олдида биринчи бўлиб қабила бошлигининг ўғли эмаклаб борар экан. Қушлардан биттаси бутага қўнибди. Қабила бошлигининг ўғли чаққонлик билан сакраб, қушнинг узун думидан ушлаб олибди.

— Ахир қўлга тушдинг-а!— деб қичқирибди у. Унинг товушини ҳеч ким эшитмабди. Чунки бу пайтда бошқа йигитлар ҳам қушларни тутишган экан. Улар хурсанд бўлишиб, қий-чув қилишиб бир жойга тўпланишибди. Ана шундагина улар ажойиб мўъжиза юз берганини сезиб қолишибди. Ахир қабила бошлигининг ўғли умрида биринчи бор гапирган экан-да. Йигитлар шундай хурсанд бўлишибдики, ҳар бири қабила бошлигининг ўғлидан бирор нарсани сўрашга, унинг овозини ўз қулоги билан эшитишга ошиқишибди.

— Бўлди, гапни бас қилинглар!— деб қичқирибди қабила бошлигининг ўғли.— Биз ўзимизга топширилган иши охирига еткази-

шимиз керак: тезроқ отамнинг олдига қушларни олиб борайлик, у ҳам тезроқ менинг овозимни эшитсин.

Йигитлар қушларни қафасларга солиб, маҳкам беркитишибди-ю, дам олиш учун ётиб ухлашибди. Эртасиға әрталаб улар йўлга тушишибди. Бир неча кундан бери очиқ бўлган ҳаво ўша куни неғадир қовоғини солибди, осмонга булат чиқиб, ёмгир ёға бошлабди.

— Тунайдиган бирор жой топишимиз керак,— дебди қабила бошлигининг ўғли Кулуме. Энди уни ўртоқлари Сўзамол деб атай бошлишибди.

Улар ўрмоннинг ўртасидаги ялангликда каттагина бир кулбани кўриб қолишиб, секин-аста унга яқинлашишибди. Қарашса, кулба ичидаги ҳеч ким йўқ, ўчида ўт ловиллаб ёниб турган экан. Йигитлар кулбага кириб исинишибди, овқатланишибди, сўнг ётиб ухлашибди.

Тун яримдан оққанда Кулуменинг ўртоқларидан бири уйғониб кетибди. Қараса, ўчида олов сўниб, кулба ичи қоп-қоронғи бўлиб қолганмиш. Йигитнинг қулоғига қандайдир бир дўриллаган овоз эшитилибди:

— Бу ердан мазали гўшт ҳиди келяпти! Қани бир санаб кўрай-чи: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти! Мен ейишни мана шунисидан бошлайман-у, ҳов анави охирги оёғи кичкинасида тугатаман.

У шундай деб ташқарига чиқиб кетибди. Кулба ичи жимжит бўлиб қолибди. Шунда ҳалиги йигитча шошиб-пишиб шерикларини уйғота бошлабди.

— Биз одамхўрлар кулбасига кириб қолибмиз,— деб шивирлабди у,— энди нима қилдик.

Аммо ўртоқлари туш кўряпти деб ўйлаб, унинг гапига қулоқ солишмабди. Сўнг улар бошқа бир йигитни қоровулликка қолдириб, яна уйқуга кетишибди.

Сал вақт ўтмай, қоровулликда турган йигит эшикнинг очилганини пайқаб қолибди. Шунда кулбага бир одамхўр кириб, ухлаб ётган йигитларни қайтадан санай бошлабди. Энг охирида ўша оёғи кичкина—қабила бошлигининг ўғли ётган экан. Одамхўр:

— Буларни мен битта ўзим ея олмайман, бориб ака-укаларими ни ҳам зиёфатга бошлаб келай,— дебди.

У чиқиб кетгач, ҳалиги қоровул йигит вақтни ўтказмай ўртоқларини уйғотибди. Кулуме уларни одамхўрлар кулбасидан олиб чиқиб, ўрмон оралаб бошлаб кетибди. У йўлни юлдузларга қараб белгиларкан, тонгга яқин улар даҳшатли одамхўрлар кулбасидан анча узоқлашиб кетишибди.

Тонг отиб, қуюқ ўрмондаги дараҳт япроқлари орасидан қуёш нурлари мўралаган кезда Кулуме ўртоқларининг қўлларидағи қафасларни кўриб қолибди. Шунда ўзининг қафасини одамхўрлар

кулбасида қолдприб келгани ёдига түшибди. Бундан хабар топган йигитлар қаттиқ афсусланишибди. Аввалига ҳаммалари бирга бориб, қафасни олиб келмоқчи бўлишибди, кейин, йўқ, ҳаммамиз эмас, биттамиз боришимиз керак, деган қарорга келиб, ҳаммалари ҳам мен бораман-мен бораман деб, бориш истагини билдиришибди. Қабила бошлигининг ўғли ҳеч кимни юбормабди. У ерда қафасни мен қолдирдимми, ўзим бориб олиб келишим керак, дебди у.

— Борди-ю, ундан айрилиб қолсак, қабила бошлиғи нима дейди?— дебди йигитлардан биди қовоғини солиб. Бошқа бир йигит эса:

— Ўлдик деявер унда,— дебди ғамгин оҳангда.

— Қўрқма!— деб ҳитоб қилибди Кулуме.— Мана, қаранглар, мен найзамни ерга санчиди қўяман. Сизлар унга қараб туринглар. Агар у қимир этмай тураверса, демак менга ҳеч нарса кавф солмаган бўлади. Борди-ю, чайқалса ё титраса, билингларки, мен хавф ёстидаман. Агар у ерга қулаги тушса, мени ўлди деб билаверинглар.

Кулуме қўлига бошқа найза олибди-ю, тезда қуюқ дараҳтлар орасига кириб, қўздан ғойиб бўлишибди.

Йигитлар қуашларга дон беришибди, сув ичиришибди, сўнг ҳалиги найза атрофига ўтиришиб, уни кузата бошлашибди.

Қуёш анча қўтарилиб қолганида ҳалиги найза аввалига секин, кейин қаттиқроқ чайқалишибди. Сўнгра ерга қараб эгила бошлабди, уни ерта тегай-тегай деб қолишибди... Йўқ, яна тўғриланиб, қимирлай қолишибди.

— Чамаси ёввойи итга дуч келиб қолиб, ундан базёр қутулган бўлса ҳераг-ов!— деб йигитлар хурсанд бўлиб қулишибди-да, тагин бирор эшишиб қолмасин дегандай атрофга олазарак қараб қўшишибди. Улар дам олиш учун ётишганида йигитлардан бири уларни турғизиб, найзани кўрсатишибди. Найза яна чайқалаётган экан. У пастга эгилар ва тўғриланаркан.

Найза учинчи марта худди бўрон тургандай қаттиқ чайқалишибди. Кейин эгила бошлабди. Йигитлар қўрқиб кетишиб, унинг атрофини ўраб олишибди. Найза эса ҳамон пастга эгилар, ерга тегай-тегай деркан. Йигитлар додлаб юборай дейишибди. Ниҳоят найза тўғриланиб, қимир этмай қолишибди.

— Хайрият-эй!— деб қичқиршиб, хурсанд бўлишганидан ўйнига тушиб кетишибди йигитлар.

Хўш, Қулуменинг аҳволи бу пайтда нима кечди экан?

У ўртоқларининг олдига эсон-омон қайтиб келгач, ҳамма кўрган-билгандарини гапириб беришибди. Қулуме ўрмон оралаб, одам-хўрлар кулбасига қайтиб боришибди. Йўлла кичкина бир кампирга дуч келишибди. У булоқ ёнида ўтирган экан.

— Қаёққа кетяпсан? — деб сүрабди кампир.

— Ўтган кечаси мен одамхўрлар қулбасида тунаб, у ерда қушимни эсдан чиқариб қолдирибман, ўшанга кетяпман, — деб жавоб бериди Кулуме.

— Сен жуда довюрак йигит экансан. Одамхўрлар қувласа нима қиласан, — сүрабди кампир.

— Қочаман, — деб жавоб бериди йигит.

Кампир унинг гапига қулибди-ю, ёнгинасида турган тугунчакни ечиб, ундан чоғроқ бир идиш олибди.

— Ма, мана бу сеҳрли ёғ, — дебди у, — агар одамхўрлар орқангдан қувласа, мана шу ёғдан йўлда ётган тошга сеп, ана шунида нима бўлишини кўрасан.

Кулуме кампирга миннатдорчилик билдириб, идишни камарига маҳкам боғлаб олибди-ю, ўрмон оралаб йўлга равона бўлибди.

У кулбага яқинлашганида эмаклай бошлабди ва даҳшатли воқеаиинг устидан чиқиб қолибди. Одамхўрлар ўша ўзлари тумаган даҳшатли кулбага кириб, буларнинг жечта эканлигини санаб; «Ҳаммасини бир ўзим ея олмайман, aka-укаларимни ҳам зиёфатга чақирай», деб чиқиб кетган укаларини еб, журсандчилик қилишадаётган экан. Улар укасининг гапига кириб, кулбага келишса, ўлжалар аллақачон ғойиб бўлган, шундан кейин жаҳли чиқиб, уни сийишган экан.

Кулуме бир амаллаб кулба ичига кирнбди-ю, шифтдан, ўзи осиб қўйган жойдан қафасни олибди. Қуш эса унинг қайтиб келганидан хурсанд бўлгандай секин чирқиллади. Кулуме теварак-атрофиға эҳтиётлик билан назар ташлаб, секин кулбадан чиқибди-да, ўзини ўрмонга уриди. Аммо одамхўрлар уни сезиб қолишибди. Улар Кулуменинг орқасидан қий-чув қилиб қувлашибди. Кулуме бир қўлида қафас, иккинчи қўлида наиза, камарида сеҳрли ёғ қўйилган идиш билан югуриб кетибди. У югуриб кетаётиб камаридаги идишни ечиб олибди-ю, ундаги ёғдан йўлдаги тошга сепибди. Одамхўрлар тошга ёпирилишибди. «Бу менини! Бу менини!» — деб қий-чув қилишиб тошни талашишибди улар.

Хуллас одамхўрлардан биттаси тошни ютиб юборибди. Шунда ҳамма одамхўрлар унга ташланиб, бурда-бурда қилиб еб қўйиншибди-да, кейин яна қий-чув қилишганча Кулумени қувлашда давом этишибди. Кулуме қолган ёғни яна бир тошга сепибди. Уни яна бир одамхўр ютиб юборибди. Одамхўрлар қийқиришганча бу одамхўрни ҳам бурда-бурда қилиб еб қўйиншибди.

Кулуме кучининг борича югуриб, одамхўрлардан қутулишга ҳаракат қилас, аммо одамхўрлар орқада қолмай қувиб келишар экан. Улар яқинлашганда Кулуме идишга қараса сеҳрли ёғ тамом бўлиб қолган экан. Энди нима қилсан? Унинг одамхўрлардан қутулишга кўзи етмабди. Энди ўлдим деб ўйлади. У ҳарна енгиллаш-

ғәним деб, камарини ечиб улоқтириб юборибди. Камар бир чеккага бориб тушибди. Шунда ҳамма одамхўрлар камарга ёпирилиди.

Бирпастдан кейин Кулуме ўрмондан чиқиб, ўзини кутиб ўтирган ўртоқлари ёнига яқинлашибди. Қараса, ўртоқлари ўзи санчиб кетган найза теварагида ўтириб олиб, уни кузатишаётган экан.

— Қочинглар! Қочинглар!— деб қичқириби Кулуме.— Улар яқинлашиб қолишиді. Менга ўзимнинг найзамни беринглар!

Йигитлар худди ҳурккан оҳулар каби қоча бошлишибди. Улар пастга тушибиби, баландликка кўтарилишибди, дарёлардан кешиб ўтишибди, сўнг улардан биттаси орқасига қараб қичқириби:

— Ана улар!

Узоқдан одамхўрларнинг қораси кўринишибди.

— Энди нима қилдик?— дейишибди қўрқанларидан. Чунки улар ҳолдан тойишган экан.

Улар бир тепаликдан ошиб, энди етдик деганларида, водий бошланар экан, водийдан энди ўтдик деганларида, тоғ чўққи-лари бошланар экан. Югуравериб оёқларида мадор қолмабди.

Шу пайт қарашса уларнинг олдидан каттакон бир қоя чиқиб қолишибди. Қоянинг устида кичгинагина бир одам ўтирганиши. Қочиб келаётган йигитлар тиллари оғизларига сифмай ҳансирашиб қияликдан тушаётганирида ҳалиги қоянинг устида ўтирган кичкина одам:

— Тўхтанглар, ҳой!— деб қичқириби.— Марҳамат қилиб бизнинг уйга бир кириб кетмайсизларми?

Кулуме ҳансираб зўрга сўрабди:

— Кулбангиз қаерда? Қани? Орқамиздан одамхўрлар қувиб келишяпти.

Кичкина одам қаҳ-қаҳ уриб кулиб қоядан сирпаниб пастга тушибида-да, кафті билан қояни шапатилабди. Қоя аста-секин икки томонга сурнилиб очилишибди.

— Ичкарига киринглар!— деб у йигитларни киритиби-ю, ўзи ҳам орқама-орқа кириби, қоя яна бирлашибди.

Сал ўтмай қоянинг ташқарисида оёқ товушлари, даҳшатли дупур-дупур эшитилишибди. Бу шовқин-сурон йигитларнинг кетидан қувиб келган одамхўрларнинг тўполони бўлиб, улар йигитларнинг шу қоя ичига кириб яширинишганини сезишган экан. Қоқлар ичкарида ўтириб, одамхўрларнинг каттакон тишлари билан қоятошларни кемираётганини эшитишибди.

— Қўрқманглар, сизлар хавф-хатарсиз жойда ўтирибсизлар,— дебди кичкина одам.— Бу ерга ҳеч ким, ҳатто одамхўрлар ҳам, девлар ҳам кира олмайди.

Кулуменинг ўртоқларидан бири сибизғасини лабларига қўйиб ҷала бошлаган экан, қушлар бу ёқимли товушни эшитиб, унга жўр бўлишибди. Кичкина одам йигитларнинг олдига бир товоқ ичимлик

ва жўхориталқон қўйиб, меҳмон қилибди. Мезбоннинг меҳрибонлигидан йигитлар мамнун бўлишибди.

Меҳмондорчиликдан кейин йигитлар кичкина одамга ўзларининг хатарли саргузаштларини ҳикоя қилиб беришибди. Бу саргузаштни эшитгач, у бирмунча вақт Кулумега тикилиб турибди-да, кейин унинг найзасини кичкина қўллари билан силай бошлабди.

— Бу найза сеҳрли экан,— дебди у,— менинг қўлларим унинг сеҳрини яна ҳам оширади.

Бу гапни эшитган йигитлар қўрқиб кетишибди. Кичкина одам йигитларнинг ҳолатини сезиб, кулиб юборибди. Буни кўрган йигитлар ўзларига кела бошлишибди. Уйқуга ётишларидан олдин кичкина одам Кулумени бир чеккага чақириб, қулоғига нималарнидир узоқ шивирлабди.

— Сен баҳодир йигитсан,— унинг сўнгги гапи шу бўлибди,— шу баҳодирлигинг учун мукофотга лойиқсан.

Қоқулар қаттиқ уйқудан уйғонишса, қоядаги ташқарига чиқиладиган жой очиқ турган эмиш. Бу ернинг оққўнгил хўжаси эса қаёқладир гойиб бўлибди. Қулуме эҳтиёткорлик билан қоя ичидан чиқибди-ю, одамхўрлар пойлаб турмаганмикин деб, теварак-атрофни кузатибди, қулоқ солибди. Қараса, ҳаммаёқ жимжит элиш. Йигитлар қўрқа-писа, ён-верларига аланглай-аланглай қияликдан югуриб тушиб, бутазор орасига кириб кетишибди. Улар бутазор орасида анча вақтгача ўтиришибди, ниҳоят ҳеч қандай хавф-хатарни сезишмагач, хотиржам бўлиб йўлга тушишибди.

Уша куни қабила бошлиғи Фелелва қўлини пешонасига соябон қилганча водий томонга узоқ вақт ташвиш билан тикилибди. Кечкириб буталарнинг сояси чўзилиб қолибди.

— Яна кеч кирди, улар ҳамон йўқ,— дебди унинг олдига келгандардан бири,— мана, уларнинг кетганига бир ҳафта ҳам бўлиб қолди.

Қабила бошлиғи қўра деворига суюнганича ўтираг экан. Унинг атрофида турган маслаҳатчилари қабила бошлиғининг юзига тикилар, у йигитларнинг келишидан умидвори ё ноумидми, шуни уқмоқчи бўлар эканлар. Қабила бошлиғининг ориқ ва ҳорғин чеҳрасидан ташвиш чекаётганини сезиб, улар ҳам хафа бўлиб кетишибди. Сўнг улардан бири жим ўтирган Мбатуга қараб жаҳл билан дебди:

— Ўйноқлаган бўталоқ ўт босмайин қўймайди, деганлар!

Бу гапни эшитган Мбату бошини қўйи солибди. Ахир шу Мбату топиб келган гап туфайли улар шундай ташвишга тушиб ўтиришган экан-да.

Кун ботгач, Фелелва ўрнидан оғир туриб, исиниш учун учинчи

хотинининг уйига — Кулуменинг онасиникига кирмоқчи бўлибди.  
У шундай қилсам дардим енгиллашармикин, деб ўйлабди.

Шу пайт зиیرак йигитлардан биттаси қабила бошлигини тўхта-  
тиб, қаттиқ қичқирибди:

— Ана улар! Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти! Ҳаммаси  
соғ-саломат қайтиб келишяпти!

Шунда узоқдан кимнингдир ингичка овози эшитилибди:

— Бу мен, сенинг ўғлинг Кулумеман, энди менинг янги иссим  
бор! Биз қушларни тутиб олдик! Мен гапира бошладим!

Бутун қўрғон одамлари хурсанд бўлиб кетишибди, аёллар ва  
болалар ўша томонга югуриб, йигитларга пешвуз чиқишибди.

Хўш, йигитлар нима қилишибди денг? Улар паства олиб туша-  
диган сўқмоқдан қўрғон томонга қараб қатор туришиб, қўлларида-  
ги қафасни ерга қўйишибди. Кулуме эса, найзасини қўлига олиб,  
унинг учини қафасларга бирма-бир тегизибди. Шунда қафас ичи-  
дан қушлар эмас, барваста йигитлар чиқиб келишибди. Улар қаби-  
ла бошлигининг жангда ҳалок бўлган ўғиллари экан.

Буни қўрган Фелевва қувониб кетибди. Қекса Мбату эса Кулу-  
мени баерига босибди. Аёллар, қизлар хурсанд бўлганларидан  
ўйинга туша бошлашибди.

Бу водий бунақанги шодиёнани умрида кўрмаган экан. Ҳатто  
қабила бошлигининг ёнида юриб, унга ҳамду сано айтадиган Им-  
бонги ҳам бу хурсандчилекни тъерифлашга сўз тополмабди.

Эндиғина чиққан ой водийдаги бу шодиёнани кўриб, бундан  
илгари ҳам шундай шодиёна бўлган-бўлмаганини эслай олмабди.  
Шундай қилиб, тун кунга, қайгу эса битмас-туганмас қувончга  
айланиб кетибди.

## ◆ ОНИХОВАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ ◆

Гереро ҳалқининг қабилаларидан бири кўп йиллар яшаган жо-  
йидан бошқа ерга кетмоқчи бўлибди. Қариялар, ваҳший тоғ да-  
марлари — ёвуз овчиларнинг қирғин келтирувчи ҳужумларидан  
қутулиш учун бу ердан узоқроққа кетиш керак, деган қарорга ке-  
лишибди. Фақат болалар ва айниқса, ёш қизлар маъюс тортиб  
қолишибди.

— Энди шундай ажойиб дарёсиз қамдай яшаймиз? — дейишиб-  
ди улар.— Ахир биз соҳилда ўйнашни ва тўлқинларда қулоч отиб  
сузишни жуда яхши кўрамиз-ку!

Қабила бошлиғи, йўлдан қолдираётганлари учун қаттиқ жазо-  
лаймиз, деб пўписа қилмагунича қизлар ўзларининг йўлбошчилари,  
Муқаддас Олов Қўриқчиси Онихова билан бирга йиғлашни ва  
норозилик билдиришини тўхтатишмабди. Ниҳоят бутун қабила жа-  
вирама водийлар бўйлаб узоқ йўлга равона бўлибди.

Бироқ қизлар яна зорланана бошлашибди.

— Бизга оғирлик қиляпти! — дейишибди улар оналарига.  
— Юкларимизни ўзларинг кўтаринглар.

Бусиз ҳам анча-мунча нарсаларни елкаларига ортиб олган аёллар қизларининг юкларини ҳам кўтариб олишибди ва қабила йўлда давом этибди.

Юкларини оналарига топширишгач, қизлар сездирмай ўз қабиладошларидан орқада қолишибди-да, кейин тезюар Онихова бошчилигида орқаларига қайтиб, юргурганча ўзларининг қадрдон бўлиб қолган уйларига боришибди.

Аммо қизлар ташландик қўргонларга киришга қўрқиб, ўзлари бир вақтлар дарё соҳилига қурган кулбага равона бўлишибди. Улар қабиладошларимиз албатта бизни қидириб келишади ва яна шу ерда, ўз уйларida яшай бошлашади, деган умидда шу ерда қолишга қарор қилишибди.

Қизлар гулхан ёқиб, овқат пиширишибди, энди овқатланамиз деб туришганида, бирдан даҳшатли дўриллаган овөзлар эшитилибди.

— Бу дамарлар! — деб қўрқувдан бақириб юборишибди қизлар. Овөзлар борган сари яқинлашаверибди-яқинлашаверибди, қизлар нима қилишларини билмай қолишибди, чунки бирор жойга яширинайлек дейишса, энди кеч бўлган экан.

— Ҳеч бўлмаса Ониховани қутқариб қолайлик! — дебди қизлардан бири саросимада кичкинагина кулбанинг тўрт томонига ғланглаб қарапкан. Онихова кулбанинг бир бурчагига яширинибди, қизлар унинг устига бир уюм кийим-кечакларни ташлаб қўйишибди-ю, ўзлари эса қўринмасин деб, уни тўсиб ўтириб олишибди. Ёвуз овчилар тўдаси кулбани ўраб олибди, улар кулба изида ҳимоясиз қизлар ўтиришганини кўришганда эса қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишибди. Овчилар қизларни ташқарига судраб чиқиб, ҳар томонга итариб-туртиб ўзаро бўлиша бошлашибди.

Бу лайтда бир кекса дамар кулба ичига кириб, бурчакдаги кийим-кечак уюмини тита бошлабди. Бирдан у кичкина оёқчани кўриб қолишибди-ю, уни ушлаб олибди.

— Бу ерда яна биттаси бор экан! — деб қичқирибди қария ва кулбадан Ониховани судраб чиқибди. Қизнинг соҳибжамоллигини кўрган дамарлар бошлиғи уни ўзига беришни талаб қилибди.

— Аввал кўпроқ гўшт топишимиз керак, сўнгра эса қизларни тоққа олиб борамиз, — дебди дамарлар бошлиғи.

Шундай қилиб, эртасига тонг саҳарда овчилар ўлжа қидириб кетишибди. Қизларни кўриқлагани қарияни қолдиришибди. Қизлар кулба ичидаги ўтиришаркан, қария эса остонага ётиб олиб:

— Мен сизларни қўриқлайман! Фақат жим ўтиринглар, мен яна бир оз ухлаб олай. Мен мудраганимда «хрр-р, хрр-р», қаттиқ ухлаганимда эса «фью-ю, фью-ю», деган овоз чиқараман, — дебди.

Онихова жим бўлинглар дегандек бармогини лабларига босиб-

ди ва ҳамма қызлар бир-бирларини қучоқлашганча жим бўлиб қолишибди.

— Хрр-р, хрр-р, хрр...р,— деган овоз эшитилибди эшик тагидан. Бир оздан кейин эса,— фью-ю...ю...— деган овоз келибди.

Онихова секин ўрнидан туриб, ўчоқ олдига йорибди-ю, муқаддас кулдан бир сиқим олиб, ҳамма қызларинг пешонасига сурисиб чиқишибди. Кейин қызларга ишора қилиб ёрдам беришларини сўрабди-да, ўчоқдаги катта тошни кўтара бошлабди. Қызлар товуш чиқармай оёқ учидаги эшик тагига бўдишилибди-ю, қўлларидағи тош билан ухлаб ётган қариянинг бошига туширишибди.

Шундан кейин қызлар оёқларини қўлларига олганча югуриб кетишибди, қадрдан жойларига ҳатто қайрилиб ҳам қарашмабди. Улар ота-оналари кетган йўлни кидириб топиб, дарёning тик қирғогига чиқишибди, бундай қарашса серқоя жой эмиш.

Шунда тўсатдан қызлардан бири қақайганча туриб қолибди ва узоқни кўрсатибди.

— У нима?— деб сўрашибди дугоналари. Ўткир кўзли қиз узоқда, тоғ тизмаси бўйлаб қандайдир одамлар келаётганини кўрибди. Улар дамарлар экан.

Қызлар қўрқувдан дағ-дағ титраб, дамарлар кўриб қолмасидан қаерга яширинсак экан, деб жой қидира бошлишибди. Онихова каттакон ясси қояни кўриб қолибди ва ўша қоя панасига яширинмоқчи бўлибди. У сеҳрли сўзларни айтган экан, қояда ёриқ пайдо бўлиб, у икки томонга сурисибди. Буни кўрган Онихова хурсанд бўлиб кетибди. Вақтни ўтказмай дугоналарини қояга бошлибди.

Уларнинг орасида Ока-ха-ва-ндие исмли бир қиз бўлиб, у жуда ҳозик ва нимжон экан. Ҳаммадан орқада судралиб юаркан, шу Ока-ха-ва-ндие ҳам бу раҳмдил қояга ёпилмасидан кириб ултурибди.

— Эҳтиёт бўлинглар, қызлар, яна қояни хафа қилиб қўйманглар,— деб шивирлабди Онихова,— қоя бизларни қисиб қўйиб жой торлик қилиб қолса ҳам нолиманглар.

Бироқ шу пайт Ока-ха-ва-ндие қаттиқ овозда:

— Бу ярамас, ёвуз қоя бизни қисиб ташлади-ку!— деб юборибди.

Қызлар ҳадиксираб бир-бирларига қарашибди, бу калтафаҳм қизнинг гапларини эшишган Онихова эса таъна билан бошини чайқаб қўйибди, холос. Қызлар чурқ этмай кичкинагина ғорда чўйка тушиб ўтирганча, қоянинг уларни қисиб ўлдириб қўймаслигини худодан илтижо қилишибди.

Дамарларнинг ови бароридан келибди. Улар анча-мунчада ўлжа билан кулбага қайтиб келишсанги, қари овчи ўлдирилган, тутқун қызлар эса қочиб кетган эмиш. Дамарлар қочоқларнинг изларини қидириб топишибди, бу излар уларни ўша каттакон ясси қояга

бошлаб келибди. Мана шу ерга келгандарыда излар йўқолибди.

— Қизиқ! — дебди дамарлар бошлиғи. Улар тамаки искаш ва энди нима қилиш кераклигини ўйлаб олиш учун ерга ўтиришибди. Дамарлар бошлиғимиз нима деркин, деб жимгина кутиб ўтиришганда бирдан ниманингдир секин шилдирагани эшитилибди. Бу Онихова ҳамиша билагига тақиб юрадиган қўнғироқчанинг овози экан. Афтидан у қоя ичида қимирлаган бўлса керак, буни овчи-лар эшитиб қолишибди.

— Улар мана шу ерда! — дебди дамарлар бошлиғи. Бу ерда сеҳгарлик бор. Уларнинг ўзлари чиқмагунча биз ҳеч нарса қила олмаймиз.

Овчилар маслаҳатлашиб, қояда бир нечта камон ва ўқларини қолдириб кетишга қарор қилишибди.

— Бир оздан кейин қайтиб келамиз, — дебди бошлиқ. — Агар ўқ-ёйларимиз жойида йўқ бўлса, демак қизлар қоядан чиқишган бўлади ва биз уларни яна ушлаб оламиз.

Улар ўқ-ёйларини қояга қўйиб кетишибди. Қетаётib йўлда қоплонни қўриб қолишибди-ю, унинг изига тушиб, дунёдаги ҳамма нарсани унутишибди.

Қизлар дамарларнинг нима деганларини эшитишмабди. Қоя ичи жуда тор ва дим бўлганидан ҳамда овчилар узоққа кетиб қолишибган бўлса керак деб ўйлаб, Онихова тоза ҳаво олиш учун ташқарига чиқмоқчи бўлибди. У афсун ўқиган экан, қоя очилибди-да, қизлар бирин-кетин ташқарига чиқишибди. Бироқ ношуд Ока-ха-ва-ндие ҳар доимгидек орқада қолиб ҳаммадан кейин чиқаётган экан, бирдан қоя ёпилибди-ю, қиз унинг орасида қолиб кетибди.

Онихова қояга қанчалик илтижо қилиб, дугонасини қўйиб юборишини сўрамасин, қанча афсун ўқимасин, ҳаммаси беҳуда бўлибди. Унинг сеҳгарлик санъати ёрдам беролмабди.

— Бу ердан тезроқ кетишимиз керак, — дебди ниҳоят Онихова, — Ока-ха-ва-ндиени тақдирнинг ҳукмига қолдириб кетишимизга тўғри келади.

Шу пайт қизлардан бири қоядаги ўқ-ёйларни кўриб қолибди. Аввалига қизлар нима қилишларини билишмабди, кейин ўйлаб кўриб, бу қурол-аслаҳалар йўлда душмандан ҳимояланишга керак бўлиб қолар деб, олиб кетишга қарор қилишибди.

Онихова қояни яна бир бор тақиллатиб кўрибди.

— Раҳм қил! — деб хафа бўлиб кетганидан бақириб юборибди у. — Бечора қиз билмай сени хафа қилиб қўйди.

Аммо қоя қилт этмабди ва қизлар ғамгин ҳолда ота-оналари кетган йўлдан бир-бир босиб кетишибди.

Орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин қоя олдига бир арслон келибди. Унга худди қоя ичида кимдир йиғлаб, ёрдамга чақира-

Ётгандай бўлиб туюлиди. У бу қояигинг сеҳрли эканлигини биларкан, шунинг учун унга қулоқ сола бошлабди.

— Ҳа, бирор қояда қамалиб қолганга ўхшайди,— дебди ўзига-ўзи арслон,— бугун ов қиласман деб ўзимни қийнамасам ҳам бўлади.

Арслон ўкириб, ўзининг шоҳона овози билан сеҳрли сўзни айтган экан, қоя секин очилибди. У ердан кичкинагина, кўркувдан кўзлари ола-кула бўлиб кетган қиз югуриб чиқибди. Йиртқич арслонни кўрган қиз ўзини қўшни қоянинг орқасига урибди. У поғонама-поғона югуриб, каттакон тошни қўлига олволибди-да, кейин бир қоянинг понасига яшириниб; арслоннинг келишини кутибди. Арслон яқинлашгач, тошни улоқтирган экан, тош унинг нақ миясиға бориб тегибди. Ока-ха-ва-идие эса орқасига қарамай қочибди.

У дугоналарпи орқасидан ўқдек учиб югурибди. Қизлар дамарлар қувиб келмәётганимикан, деб тез-тез орқаларига қараб боришаётган экан, шунда бирдан узоқда бир кичкина одам югуриб келаётганини кўриб қолишибди. Улар орқаларига қайтишиб, Ока-ха-ва-иднега пешвуз чиқишибди. Қейин ҳаммалари бирга яна жадал йўлларида давом этишибди.

Шундан сўнг кўп ўтмай овчилар қоя олдига қайтиб келишибди, қарашса, ўқ-ёйлари йўқ эмиш. Улар яна қизларни қувиб етиб, ушлаб олиш учун уларнинг изларини қидира бошлашибди. Шу пайт бир моҳир овчи қоя ёнидаги кичкина оёқ изларини кўриб қолишибди, сал нарироқда ётган арслон ўлигини кўрганда эса ҳайрон бўлибди. Ҳудди кекса қабиладошлари каби ҳайвон ҳам төш билан уриб ўлдирилган экан. Овчи ҳаммани чақириб арслонни кўрсатибди. Дамарлар ўша нимжон қизлар томонидан ўлдирилган ҳайвонлар шоҳига ҳам ачиниб; ҳам ҳайратланиб қарадишибди.

— Унинг терисини шилиб олиш керак,— дебди бошлиқ,— тезроқ бўлинглар! Ким биринчи бўлиб қочоқларни қувиб етса, бу тери ўшанга мукофот бўлади.

Овчилар гайрат билан ишга киришишибди.

Кейин улар яна қизларнинг орқасидан қувиб кетишибди, арслон терисини олиб юришни эса, энг ёш овчига топширишибди. Дамарлар кучларнинг борича югуришар; ҳар бири арслон терисига эришиш орзусида экан. Аммо уларнинг ичидаги энг чопқири арслон териси менни бўлади, деб ишонаркан. У тўсатдан арслон терисини ўртоғининг қўлидан юлиб олибди-ю, олдинга югуриб кетибди. Бундан газабланган бошлиқ даҳшатли қичқиришибди, шунда бошқа бир овчи унга қаратса камондан ўқ узган экан, ўқ бориб оёғига қадалибди. Шу пайт ҳамма овчилар унга етиб олишибди, бироқ у арслон терисини бермай, қаршилик кўрсатибди. Ака-укалар унга ёрдамга келишибди. Ёқалашиш бошланиб, арслон териси муштлашаётганинг оёқлари остида қолиб кетибди.

Дамарлар бир-бирларини шундай уришибдики, ҳаммалари ҳолдан тойиб, юришга өтілді. Қолиби.

— Мен уйимга, хотинимнинг олдига қайтаман! — дебди ей билан ярадор қилингандык.

Хавф-хатарга тұла бундай ҳаёт унинг жонига тегибди ва у тоққа, уйига йўл олибди. Бирин-кетин бошқа овчилар ҳам уйларига жўнай бошлишибди. Шундай қилиб, Онихова ва унинг дугоналарини қувишниоясига етибди.

Кўрқувдан ва йўл азобидан ҳориб-чарчаган қизлар бир амаллаб қабиладошларига етиб олибдилар. Бу пайтда ота-оналари ва қабиладошлари уларни қидириш учун энди орқаларига қайтмоқчи бўлиб туришган экан.

Онихованинг отаси қабила қизларининг эсон-омон қайтиб келганингига бир қанча мол сўйдириб, катта зиёфат берибди.

Шундан бери қизлар ўз қабилаларидан ажралишни хаёлларига ҳам келтиришмас экан. Чунки қабила уларнинг ғамхўри ва ҳимоячиси экан.

## ◆ ҚУШ-ҚИЗЛАР ◆

Дабдабали тўй маросими Зулу мамлакатининг тиканли бутазорлари оралаб бораётган экан. Қелин ва куёв — умтвана<sup>1</sup> Қекэ-ка энг зўр оқ буқалар устида кетишаётган экан. Олдинда куёв қабиласининг бир гурӯҳ жангчилари, орқада эса қувноқ қўшиқ куйлаганча қелиннинг дугоналари боришаркан.

Қелиннинг оиласи гаройиб экан. Буни айтиш қанчаллик аяничили бўлмасин, қизнинг ҳамма опа-сингиллари қарга экан. Улар ўзларининг бу қадди-қомати келишган, гўзал сингилларига ҳавас қилишаркан. Ота-онаси қизимизни унаштиргандан кейинкоқ у дарҳол бўлажак эрининг қўргонига кетади, деб қарор қилишган экан.

Онаси ўзининг севикли қизи билан хайрлашаётнаб, уни огоҳлантирибди:

— Агар тоғ этагида кўкимтир маймунга дуч келиб қолсаларинг, қайлигинги билан унинг жангчилари маймунга тегиб юрмасин. Агар тегмаса, баҳтила ҳаёт кечираисизлар, мабодо орқасидан қувишиша, унда бошларингга фалокаг тушади.

Улар тиканли бутазорлардан ўтиб, тоққа кўтарилишган экан ҳамки, рўпараларида кўкимтир маймун Исиманго бир дараҳтдан иккинчисига сакраб ўтибди. Жангчилар қелиннинг онаси айтган гапларни унудиб, шу заҳотиёқ уни қувишига тушишибди.

— Қўрқманглар! — дебди қабила бошлигининг ўғли. — Йигитлар маймунни тутиб, тезда қайтиб келишади.

Комбеканзини ёки оддийгина қилиб айтганда Куко исмли келин ва унинг дугоналари аввалига сабр-тоқат билан овчиларнинг қайтишини кутишибди, бироқ кун пешин бўлгач, Куконинг жаҳли чиқа бошлади.

— Мен ҳозир уларни қайтариб келаман,— деб умтвана Қэкэка буқа устидан тушибди-ю, юргурганча кетибди. Қизлар эса сояроқ жойга бориб туршибди.

Бир оздан кейин Куко дугоналаридан ичиш учун сув олиб келиб беришларини илтимос қилибди. Дугоналари сувга кетиши билан дафъатан қизнинг ёнида баҳайбат калтакесак Мбулу пайдо бўлибди.

— Ассалому алайкум, гўзал инкосазана<sup>1</sup>— дебди Мбулу.— Юбканг мунча чиройли! Сендан илтимос, буқа устидан туш, юбкангни яқинроқдан бир кўрай.

Аввалига Куко Мбулунинг илтимосини бажаришни хоҳламабди, бироқ кейин буқа устида ўтиравериш жонига теккани учун ерга тушибди.

— Илтимос, инкосазана, ажойиб юбкангни ечиб, менга бер, бир ушлаб кўрай,— дебди Мбулу. Куко юмшоқ теридан тикилган юбкасини ечиб, унга узатибди. Мбулу эса, юбкани томоша қилиб қайтиб бериш ўрнига, уни устига ёпиб, оёқларига боғлаб олибди.

— Энди ёпинчифингни бериб тур,— дебди Мбулу.

Ярамас маҳлуқ Кукони шундай қўрқитиб юборибдики, у ёпинчифини ҳам берибди. Мбулу уни бошига ёпиб олибди-да, буқанинг устида бирлас бўлса ҳам ўтиргим келяпти, деб чаққон ўрмалаб буқанинг устига чиқибди.

— Ҳозироқ туш,— деб қичқирибди йифи аралаш Куко,— кийимларимни қайтариб бер!

Худди шу пайт сув олиб келаётган дугоналарининг овози эшигилибди, бундан Куко жуда хурсанд бўлиб кетибди. Аммо бирдан келин ҳам, дугоналари ҳам тобора кичрайиб боришгаётганини, баданлари пат билан қопланаётганини ҳис қилишибди. Ниҳоят қизлар ерда сакраб юрган кичкина кўк қушчаларга айланиб қолишибди.

— Қўзимдан йўқолларинг!— деб бақирибди ёвуз Мбулу панжасини силкиб. Қушлар чуғурлашиб учишибди-ю, дарахтга қўнишибди.

Кэкэка ва унинг жангчилари маймунни тутиб ўлдиришибдида, терисини шилиб олиб, қайтиб келишибди.

— Қизлар қани?— сўрашибди улар теварак-атрофга аланглаб.

— Қаллиғимга нима бўлди?— дебди маъюслик билан буқа устида ўтирган маҳлуққа қарар экан қабила бошлигининг ўғли.

— Дугоналарим уйларига кетишиди, чунки бу ерда туришга құрқышди,— дебди дүріллаган товушда Мбулу,— менинг ҳам бу жазирама иссиқда пишиб қолишимга сал қолди!

— Е тавба!..— құрқувдан қалтираб ўйлабди Қекәка, қайната-сининг құргонида күргани бир гала қарға унинг ёдига тушибди.— Шундай қарғиш теккан оиласынг қызига уйланиб тұғри қылдыммикин,— дебди үзига-үзи.

Эртаси куни улар күевнинг құрғонига етиб боришибди. Олдинда саф тортиб жангчилар, уларнинг орқасида Қекәка, энг охира-да эса, келиннинг ўрнида Мбулу келишаркан.

Шунда тұсатдан бир гала қушчалар чирқ-чирқ қилишиб, уларнинг бошлари устида айлана бошлабди. Қушчалар шундай деб күйлашибди:

Чирқ, чирқ, чирқ!  
Сен бехабар қылмоқdasан түй,  
Хаёлингда йұқдир ушбу ўй:  
Билмайсанки, шундоқ ённингда  
Ұлтириби разил бир махлук.

Қанчалик ҳайдашмасин улар кетишмас экан. Қушлар тинмай құргонгача шу құшиқларини күйлаб боришиб, келинни шармисор қилишибди.

Құрғоннинг ўртасида, молқұрада<sup>1</sup> қабила бошлиғи ўтира, унинг атрофини эркаклар ўраб олишган экан. Сохта келин беадаблик билан тұғри қабила бошлиғининг олдига борибди, аммо Қекәка ва жангчилар құрққанларидан нима қилишларини билмай орқада қолишибди.

— Бу ким? Ъғлим хотинликка олмоқчи бұлған ўша гүзал қыз қани? Сен қандай махлукни олиб келдинг?— деб бақирибди ға-саб билан қабила бошлиғи ўғлига.— Бу қылмишларинг учун жангчиларинг ўлимга маҳкум!

— Йўқ-йўқ, ота!— дебди бечора Қекәка.— Мен ўша қызни құрдим, у одамлар мақтаганидан ҳам гүзәлроқ. Аммо...— у ота-сига тоғда бўлған воқеани айтиб берибди.

— Бу ёвуз жодугарлик,— деган фикрга келибди қабила бошлиғи эшигтанларини ўйлаб кўриб.— Сабр қилиш керак. Қани, бу-ёғи нима бўларкин.

Шундан сўнг у аёлларни чақирибди.

— Мана бу келинни олиб кетинглар,— дебди у,— уни алоҳида хулбага жойлаштиринглар. У жазирама иссиқда бадбашара бў-либ кетган!

<sup>1</sup> Молқұраннинг ўртасида очиқ майдон бўлиб, қабила аҳлининг йигинлари, байрамлари шу ерда ўтади.

Қэкәка, мен бу бадбашарага ҳечам уйланмайман дегач, түй тұхтатилибди.

Езиннің қоқ ўртаси, чилла пайти экан. Одамлар тонг сақардан кең қоронғисигача күнларини далада ұтқазишаркан. Қабила бошлиғининг құрғонида оёғини зёрға судраб босадиган, далада ишлашга ярамайдыган қари Шошагина қоларкан.

Қэкәка келганининг эртаси кунига Шоша құрғон яқинида бир нечта чыройли қыздарни құриб қолибди. Уларнинг ичидагы әңг гүзали кампирнинг олдига келиб, одоб билан салом берібди да, ундан ўзларнинг келганини ҳеч кимга айтмасликни илтимос қилибди. Шоша бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликка сүз берібди-ю, лекин ўзи бу қыздарнинг ким эканлыгини, қаердан келганини жуда билгиси келибди.

— Юринглар, қыздар,— дебди сулув қыз ва улар ишга тушиб кетишибди.

Баъзилари күлбаларни йиғиширишибди, бошқалари пиво учун жүхорн түйишибди, қолғанларни эса сув олиб келиш учун булоққа кетишибди. Ишин тугаттач, қыздар ҳайрат билан уларни күзатыб турған кампирнинг олдига боришибди да, ундан:

— Бувижон, сиздан бу ишларни ким қылди, деб сұрашса, нима дейсиз?— деб сұрашибди.

— Ҳаммасини ўзим қылдым дейман.

Қыздар кулиб юборишибди-ю, құрғондан югуриб чиқиб, ўрмонга кириб құздан ғоёнб бўлишибди.

Құрғон аҳли даладан қайтиб келгач, Шошани саволга кўмиб юборишибди:

— Күлбаларни ким йиғишириди? Жүхорини ким түйди? Сув-чи-чи, ким олиб келди?

Кампир уларга қўшиқ билан жавоб берибди:

Оқсоқланиб супурдим ерни,  
Оқсоқланиб пиширдим пиво,  
Оқсоқланиб йиғдим ахлатни,  
Дарёдан сув келтирдим ҳатто!

— Қандай қилиб? ДЕМАК, бу ишларнинг ҳаммасини сен қишибсан-да, Шоша!— деб ҳайрон бўлишибди улар.

Эртаси куни ҳам шу ҳол такрорланибди. Бу куни қыздар шинни тайёрлашибди, улар түйилган жүхори устига сув қуйишибди. Пиво яхши етилсин деб, унга жүхорининг энди униб чиққан май-сасидан ҳам солишибди.

Ишин тугаттач, улар Шошага:

— Хайр, бувижон!— деб, одоб билан хайрлашишибди.

Кечқурун ишдан қайтиб келган одамлар яна ҳайрон бўлишибди. Шоша эса яна, ҳаммасини ўзим қылдим, дебди.

Учинчи куни пиво тайёр бўлибди. Қизлар уни сузиб, хурмача ларга қўйишибди-да, ҳамма кулбаларга бир хурмачадан олиб кириб қўйишибди.

Кейин улар кетадиган вақтларп бўлгунча Шоша билан пиво ичишиб, хурсандчилик қилишибди.

Одамлар шу куни:

— Бизнинг саволларимизга жавоб беравериш Шошанинг жонига теккан бўлса керак. Энди унга ҳеч нарса демаймиз. Афтидан қўргонимизда бир ғаройиб воқеа бўладиганга ўхшайди,— дейишибди бир-бирларига.

Бироқ Қекёка секин кампирнинг олдига кирибди-ю, нима галлигини айтишини илтимос қила бошлабди.

— Бу ишларнинг ҳаммасини бир ўзинг қилолмайсан-ку!— дебди у.

— Агар буни сенга айтсам, берган ваъдами бузган бўламан,— деб жавоб берибди Шоша,— майли, айтсам айта қолай, эшиш. Ҳар куни туш пайтида қўргонимизга қандайдир қизлар келишади, уларни хушфеъл, хушмуомала гўзал инкосазана бошлаб келади. У қизларни бир кўрсанг эди!

— Эртага тушда қўргонда бўламан,— дебди йигит.

Тўртничи куни қизлар яна ҳам ғайрат билан ишлашибди, улар ҳар бир кулбага бир боғламдан ўтин олиб келишибди. Кейин Шошанинг кулбасида пиво ичиб, роҳатланиб дам олишибди. Кулба остонасида Қекёка пайдо бўлиши билан қизлар ирғиб ўринларидан туришибди-ю, кулбадан чиқиб кетмоқчи бўлишибди, аммо йигит уларни чиқармабди.

— Комбеканзини, сенмисан!— дебди йигит қайлигини бир қарашда таниб.— Мен сенга нима ёмонлик қилдимки, мени шувчалик қийнайсан?

Қиз кулиб юборибди:

— Ахир сен эмасми мени отамнинг қўргонидан олиб чиқиб тоққа ташлаб, ўрнимга қабиҳ, ярамас калтакесакни олиб кетган:

— Мен у ёвуз маҳлуқ сен эмаслигинги билардим!— деб ба-қириб юборибди йигит.— Сени тополмаганимдан кейин, ғамдан куйиб ўламан, деб ўйлагандим!..

— Сен бизни қўйиб юборишнинг керак,— дебди Қуко.— Қуёш гарбга оғланда ёвуз жоду бизни яна кічкина кўк қушчаларга айлантиради.

— Йўқ, йўқ! Мен сизларни ҳеч қаёққа қўйиб юбормайман!— дебди умтвана.— Бунинг ҳаммасини ўзини келин қилиб қўрсатган ўша маҳлуқ қилган. Ана ўшани бу ердан ҳайдаб чиқариш ёки ўлдириш керак! Шу ерда, Шошанинг олдида қолинглар, кулбадан чиқа кўрманглар!

У юргурганча далага бориб, отаси ва бир нечта ишончли киши-

ларни тезда қўрғонга бошлаб келибди-да, уларга қувона-қувона ўзининг ҳақиқий қайлиги бўлган гўзал қизни кўрсатибди.

Қабила бошлиғи шу заҳотиёқ сеҳргарини чақирибди, улар Мбулуни таъзирини беришининг йўлини топишибди. Чопар юбориб, далада ишлаётганларнинг ҳаммасини чақиртишибди.

Бу орада эркаклар молқўранинг ўртасидан чуқур қазишибди, аёллар эса, хумларга сув тўлдириб ўтга қўйишибди. Одамлар дадан қайтишаркан, қўёш энди тиккага келди-ю, бизни нимага қақиришибди экан, деб ҳайрон бўлишибди.

— Берироқ келинглар! — дебди хушмуомалалик билан қабила бошлиғи.— Биз ҳозир қизиқ мусобақа ўтказамиз, кейин эса пиво ичамиз. Сахий Шоша биз учун жуда кўп пиво тайёрладби.

Аёлларни ҳам молқўрага қиришибди. Бироқ Мбулу бегона қўрғоннинг молқўрасига<sup>1</sup> кирмайман, деб туриб олибди.

— Мен киришингга рухсат бераман,— дебди қабила бошлиғи. Шундан сўнг Мбулу аёллар билан бирга молқўрага киришга мажбур бўлибди.

Молқўрада аёллар ўйин ўйлаб топишибди, улар қазиб қўйилган чуқур устидан сакрай бошлашибди. Чуқурнинг тубида эса, сут қўйилган хум тураркан. Чуқурдан ҳамма сакраб ўтибди-ю, навбат Мбулуга келибди. У сакраб ўтаётib, чуқурдаги сут исини сезиб қолибди. Шунда Мбулу ҳозиргача эҳтиёткорлик билан кийимининг остига яшириб юрган думини силкитган экан, тўғри чуқурга тушиб кетибди. У очкўзлик билан сутни ича бошлабди, чунки калтакесаклар янги соғилган сутни дунёдаги ҳамма нарсадан афзал кўришаркан-да<sup>2</sup>. Бу вақтда хумлардаги сувлар шақирлаб қайнаб турган экан. Одамлар қайноқ сувни Мбулунинг устига ағдаришибди, Мбулу куйиб ўлибди.

Шундан кейин Кекэка кекса Шошанинг кулбасидан ўзининг ҳақиқий қайлиги ва унинг дугоналарини олиб чиқибди. Келин күёвнинг ёнида уялганича бошини эгиб келар, унинг ҳусни ҳаммани лол қолдирган экан.

Шоша қувона-қувона ҳаммага бир неча кундан бери қўрғондаги ишларнинг барчасини шу қизлар қилганини айтиб берибди.

— Ахир мен эртадан кечгача уринганимда ҳам бу ишларнинг ўндан бириниям қилолмайман-ку, — дебди у кулиб.

Одамлар хурсанд бўлишиб:

— Умтванамизнинг қайлиги — дунёдаги энг меҳнаткаш қиз! — дейишибди.

<sup>1</sup> М олқўра — қўрғондаги энг муқаддас жой ҳисобланади. Баъзи бантумарнинг диний эътиқодига кўра, у ерда марҳум ота-боболарнинг руҳлари яшайди. Шунинг учун бегона одамнинг, жумладан, келиннинг у ерга маълум урф-одатлар амалга оширилмагунча кириши мумкин эмас.

<sup>2</sup> Жанубий Африка бантулари сут ичишмайди, улар овқатга фақат амаси — қатиқ ишлатишади.

Қабила бошлиғи бир қанча мол сўйдириб, катта тўй-томуша қилиб берибди.

— Яхшилик ҳамиша барқарор бўлсин! — дебди қари Шоша ва келин-куёвга баҳт тилаб, пиво симирибди.

## ◆ ДОВЮРАК ҚИЗ ◆

Қабила бошлиғи Узиқулумининг қизи — Нтомбинде қабиладаги тенгдошларидан бошқачароқ экан. Бошқа хотин-қизлар одамлар ўртасида ўзларини камтар тутсалар, кам гапириб, кўпроқ иш билан шуғуллансалар, Нтомбинде йигитлардек довюрак, шартаки бўлиб, ҳамиша бир қилиқ кўрсатар экан. Отаси қизининг қилиқларини кўриб, нима бало, бирорта жангари аждодимизнинг қони ўтганми бунга, деб ўйларкан.

Мана уч йил эканки, қабила бошлиғи Узиқулуми қизининг дарёга бориб чўмилишига рухсат бермас экан. Негаки, бу дарё Илуланге деб аталиб, унинг соҳиллари негадир қўрқинчли ва сирли экан. Нтомбинде қабила бошлиғи қизларининг орасидаги энг гўзали, қадди-қомати келишгани бўлгани учун унинг харидори кўп экан. Аммо Нтомбинде, ўша қўрқинчли дарёнинг сирли соҳилига бориб, уни кўришга рухсат бермагунларингча, тўй ҳақида оғиз ҳам очманглар, деб оёғини тираб туриб олибди. Ниҳоят отасидан рухсат теккак, у бир нечта дугонаси билан ўша дарё бўйига йўл олибди.

Улар тик сўқмоқдан кетишар экан, қўрқмаслик учун хахолашиб кулишибди, қўшиқ айтишибди. Охири қизлар ўша соҳили қалин ва ям-яшил дараҳтзор, қўрқинчли жарлик тубида тез оқаётгандарёга етиб боришибди. Нтомбинде қизларни қирғоққа бошлаб тушибди.

— Ҳа-а, шу эканда Илуланге дегани! — дебди қизлардан бири иописандлик билан. — Бу ҳам бошқа дарёларга ўхшаган оддийгини дарё! Эҳтимол суви сал қорароқ бўлгани учун шундай дейишса керак-да. Сувининг қоралиги эса қоялар орасида, чуқурликда оқ-қанидан бўлса керак. Келинглар, бир чўмилайлик.

Қизлар ўзларининг тақинчоқларини, маржонларию билагузукларини олиб қўйиб, чарм юбкаларини ечишиб, совуқ сувга туша бошлабдилар.

Сал ўтмай қизлардан бири қирғоққа чиқибди-ю, дугоналарига қичқира бошлабди:

— Чиқинглар тезроқ! Кимдир кийимларимизни ўғирлаб кетибди.

Қизлар шошиб-пишиб қирғоққа чиқишибди.

— Бу ўша ёвуздарнинг ёвузи Изикукумадевунинг иши бўлса керак. Қаёқдан ҳам бу ерга келиб қолдик. — деб йиглашибди улар.

— Ҳиқилламанглар-э! — дебди Нтомбинде. — Битта илтимос қылсанг бўлди, олиб келиб беради.

Қизлардан бири Изиккумадевуга ёлвора бошлабди:

— Менга раҳминг келсин! Мен бу ёқларга келмоқчи эмас эдим, мени Нтомбинде бошлаб келди. Менга раҳминг келсин...

Шу ондаёқ қирғоқда унинг тақинчоқлари ва чарм юбкаси пайдо бўлиб қолибди.

Шундан сўнг қизлар бирин-кетин илтимос қилиб, кийимлари ва тақинчоқларини қайтиб олишибди. Фақат Нтомбинде қайсарлик қилиб:

— Буюк қабила бошлигининг гўзал қизи қандайдир бир дарёнинг ёвуз маҳлуқига ёлворганини кўрганимисизлар! — дебди.

Шу гапни айтиши билан дарёдан каттакон бир даҳшатли бошчиқибди-ю, ҳаш-паш дегунча Нтомбиндени ютиб юборибди. Унинг дугоналари эса қий-чув қилишиб, дараҳтзор оралаб тумтарақай қочиб қелишибди. Улар ярим кечада ҳолдан тойишиб, нафаслари оғизларига тиқилиб, қўркувдан дағ-дағ қалтирашиб уйларига қайтиб келишибди.

Бу воқеани эшитган қабила бошлиғи ўзининг лашкарларини тўвлаб, тоғ билан сафарга чиқишларини, ўша ёвузларининг ёвузини ўлдириб, Нтомбиндени қутқариб олиб келишларини буорибди. Лашкарларнинг юраклари дов бермай, Илуланге дарёси бўйига зўрға боришибди. Шу маҳал ўша даҳшатли маҳлуқнинг боши сувдан чиқибди-ю, уларни домига тортибди.

Даҳшатли маҳлуқнинг иштаҳаси очилибди. У сувдан чиқиб, қабила яшаётган водитига қараб йўл олибди. Унинг баҳайбат панжалари тагида дараҳтлар худди гиёҳдек эзилиб қолар экан. Изиккумадеву қир-адирлардан судралиб бораркан, эркагу аёллар, болалар қўрқанларидан қочмоқчи бўлишар, аммо ёвуз маҳлуқ оғқаларидан етиб олиб, уларни битта қўймай домига тортаркан. Одамлар у ёқда турсин, у йўл-йўлакай жон-жониворларни, сигирларни, итларни, ҳатто, ёввойи мушукларни ҳам битта-битталаб юта бошлабди. Қабила бошлиғи ва унинг оила аъзолари ҳам бу фожиадан четда қолмабди.

Ниҳоят ёвуз маҳлуқ қўрғонинг чеккасида яшовчи Собабили деган одамнинг уйигача борибди. Унинг ажойиб эгизак фарзандлари бор экан. Изиккумадеву ҳаддан ташқарп тўйган бўлсаям бир амаллаб ўша эгизакларни ҳам ютнабди-ю, яна йўлида давом этибди.

Сал ўтмай овдан қайтиб келган Собабили уйида болалари йўқлигини кўриб хафа бўлиб кетибди-да, қўлига қайзасини олиб, маҳлуқнинг орқасидан қувибди.

Аввало у йўлда дуч келган қўтослардан сўрабди:

— Сизлар менинг болаларимни ютган маҳлуқни кўрмадингларми?

— Сен ўша дарахтларнинг завоти бўлган ҳашаротни сўраяпсанми? Ҳа, биз уни кўрдик. Тўғрига қараб юрсанг топасан.

Кейин у йўлда иккита қоплонни учратиб сўрабди:

— Сизлар даҳшатли маҳлукни кўрмадингларми? У менинг болаларимни олиб кетибди.

— Ҳа кўрдик, тўғрига қараб юр.

Собабили йўлда филга дуч келиб, унга ҳам шу саволни берибди.

— Ҳа, кўрдим, тўғрига кетавер,— дебди фил ҳам.

Нихоят Собабили ёвуз маҳлукқа етиб олибди. Дастлаб маҳлук унинг кўзига тепаликка ўхшаб кўринибди. Кейин қараса, тепа деб йўлаган нарсасининг боши бор экан. Собабили ундан сўрабди:

— Сен даҳшатли маҳлукни кўрмадингми? У менинг болаларимни олиб кетибди.

Ҳалиги бош жавоб берибди:

— Ҳа, кўрдим. Тўғрига кетавер.

Собабилининг баҳтига Изикукумадеву ҳаддан зиёд тўйган, энди битта ҳам одамни ютолмайдиган, ҳатто, жойидан қўзғаломайдиган аҳволга тушиб қолган экан.

Собабили найзасини санчиб, маҳлукнинг қоринини йиртиб юборибди. Шунда унинг ичидан бутун жон-жониворлар, одамлар чиқиб келишибди. Энг охирида ўша ҳамма балони бошлаган ўзбoshimcha Нтомбинде чиқибди.

Отаси қизини бу қилмиши учун роса койибди, сўнг энди эс-хүшингни йиғиб ол, ўзингга куёв топ, дебди. Шундан кейин Нтомбинде бирмунча вақт жим юрибди, сўнг яна қилиқ чиқарибди. Кун-жардан бир кун онаси отасининг олдига кириб, қизининг фақат Илон-Одамга тегишга қасд қилганини, у Илон-Одам жудаям узоқда, Қорадарёнинг нарёғида яшашини айтибди. Илон-Одам ҳақида ги хабар Узикулуми мамлакатига етиб келган, Нтомбинде ғойи-бона ошиқ бўлиб, унга эрга тегишга қарор қилган экан.

Қабила бошлиғи Узикулуми бу гапни эшитгач, жаҳли чиқиб, бешинчи хотини — Нтомбиндинг онасига қараб дебди:

— Шунча молу дунё, шунча ҳосилнинг менга шима кераги бор, болалар гапга кирмагандан кейин!

Хотини индамабди, ерга қараганича ўтираверибди. Ахир у нима ҳам десин.

— Узинг ўйлаб кўр! Яқиндагина бошимизга фалокат солувди, энди яна қилиқ чиқаряптими! — дебди қабила бошлиғи.

Ҳақиқатан ҳам қабила бошлиғининг қизи Нтомбинде туфайли бошларига тушган фалокатдан қўрғон аҳли ҳали ўзинга келолмаган экан.

Нтомбинде қайсарлик қилиб туриб олгач, ота-она қизига, билганингни қил, деб жавоб берибди. У ёнига бир нечта дугоналарни олиб, Илон-Одам мамлакатига равона бўлибди.

Иўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди, нихоят қизлар

улуғ қабила бошлигининг қўрғонига етиб боришибди. Қўрғонга киришдан олдин Нтомбинде ювиниб, тараниб, ўзининг энг яхши ки йимларини кийиб, тақинчоқларини тақиб олибди. Сўнг қизлар билан қўрғонга кириб, қабила бошлигининг биринчи хотини олдига борибди.

— Кимга турмушга чиқиши хоҳлайсан? — деб сўрашибди ун дан.

— Илон-Одамга,— деб жавоб берибди Нтомбинде.

Бу қабиланинг одатига кўра агар келинни қабул қилишадига бўлса эчки сўйишар, борди-ю, қабул қилишмаса, қўлига ёниб турган ўтинни тутқазишаркан, бу эса, йўлингдан қолма, дегани экан. Нтомбинде нима деб жавоб қилишаркин, деб кутиб турибди.

— Илон-Одамга,— дебди ажабланиб кимдир.

— У қаерда яшаркан? — сўрабди бошқа бирови.

— Қабила бошлиги Узибилингванининг шунаقا ўғли бор эди, — дебди жангчилардан бири. — Узоқда яшасам ҳам мен буни эшитгандим.

— Тўғри, унинг шунаقا ўғли бор эди, аммо унинг йўқолиб қолганига анча бўлди, — дейишибди шу ерда турганлар.

Бир чеккада хомуш турган кампир бу гапларни эшитиб, Нтомбиндинг олдига келиб дебди:

— Бу гапларни ҳаммаси рост, қизим. Уни мен тукқанман шундан кейин фарзанд қўрмадим. Қани, кулбамга марҳамат қил қизим, ҳориб-чарчаб келгандирсан, дам ол.

Қўрғон эркаклари Нтомбиндени орқасига қайтариб юбормоқ бўлишган экан-у, лекин у кампирнинг гали билан шу ерда қолибд

— Майли, қола қолсин, — дебди қабила бошлиги. — Мени бошқа ўғилларим бор, балки уларнинг бирортасига турмушга чиқар.

Баъзи қабила аъзолари қиз кампирнинг кулбасида яшайверсин, деб норозилик билдиришига қарамай, бўлажак келинга атаб янги кулба тиклашибди.

Кулба битган куни кечаси Маниока у ерга хурмачаларда қатиқ, пиво ва товоқда гўшт олиб кириб қўйибди. Нтомбинде бўйра устига ётиби-ю, қатиқ уйқуга кетибди. Эрталаб туриб қараса, ёнида-ги хурмача билан товоқ бўшаб қолган эмиш. Буни кўриб ҳайрон бўлибди. Тағин мени очофат экан, ҳаммасини еб қўйибди демасин деб, бу воқеани дарҳол Маниокага айтиб берибди.

— Кечаси кулбага ҳеч ким кирмадими? — шошиб-пишиб сўрабди кампир.

Иўқ, ҳеч ким киргани йўқ, — деб жавоб берибди қиз.

Кечқурун кулбага яна қатиқ, пиво ва бир бўрдоқи қўйни сўйиб гўштидан пишириб олиб кириб қўйишибди. Нтомбинде аввалига кулбада ётишга қўрқиби-ю, бироқ ётгач, тезда ухлаб қолибди

Ярим кечада юзига кимнингдир қўли теккандай бўлиб, уйғониб кетибди.

— Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? — деб сўрабди бир эркак киши мулойим овозда.

— Турмушга чиқай деб келгандим, — жавоб берибди Нтомбинде.

— Кимга?

— Илон-Одамга!

— У қаерда?

— Йўқолган дейишади.

— Аммо сен қабила бошлиғининг бошқа бирор ўғлига турмушга чиқсанг ҳам бўлади-ку.

— Йўқ, мен фақат Илон-Одамга турмушга чиқишим керак.

Шундан кейин улар жим бўлиб қолишибди. Бир оздан сўнг эркак:

— Кел, овқат еймиз! Ма, манови гўштни ол! — дебди.

— Йўқ, — дебди Нтомбинде, — эчки сўймагунларича мен оват емайман.

— Бўлмаса пиводан ич!

— Йўқ, эрга чиқмагунимча пиво ичмайман.

Нтомбинде олов ёқиб, нотаниш эркакнинг юзини кўрмоқчи бўлган экан, у рухсат бермабди.

Тонг отмасдан кекса Маниока кулба ёнига келиб дебди:

— Кечаси кимдир гапиргандай бўлди, ким билан гаплашдинг?

Қиз унга ҳамма гапни: тунги меҳмоннинг кечаси қандай пайдо бўлгани-ю, қандай гойиб бўлганини ҳам, ҳатто эшикни очмасдан ёқиб кетганини ҳам айтиб берибди. Бу гапларни эшитиб, кампиринг чехраси ёришиб кетибди.

Эртаси куни кечқурун ҳам пиво тайёрлаб, гўшт пиширишибди. Нтомбинде кулбага кириб ётгач, яна ўша эркак пайдо бўлиб, унинг ғларини силабди. Кейин эса, баданимни ушлаб кўр, дебди. Қиз — укорона унинг баданини ушлаб кўрибди. Қараса, бадани сил. Қиз худди илонникидек эмиш.

— Олов ёқиб кўрмоқчи эдинг-а? — деб сўрабди нотаниш одам.

— Ха!

— Ндай бўлса, чайнашга тамаки бер!

— Унга тамаки берибди. Нотаниш эркак тамакини чайнаб ератабди. Чайнаб туфланган тамаки эса тилга кириб:

— Салом сенга, умтвана! Салом сенга, ҳайбатли умтвана! Салом сенга, алп йигит! — дебди.

— У сўзлар икки марта қайтарилгач, нотаниш йигит:

— Еқ оловни! — дебди.

Нтомбинде оловни ёқиб, қархисида новчадан келган, чиройли, ани ярқироқ, навқирон йигитни кўрибди.

— Сенмисан ўша Илон-Одам? — деб сўрабди у.

— Ҳа, меним.

— Қаерларда маконинг?

— Мен бу ерлардан қочиб кетганинг аича бўлган, негаки, ака-укаларим менга ҳасад билан қараашар эди, — дебди Илон-Одам. — Улар отам ўлганидан кейин қабила бошлиғи бўлишимдан кўрқиб, ерга кўмиб ўлдиришмажчи эди. Ўшандан бери ер остида яшайман. — деб давом эттирибди гапини у, — менга турмушга чиқадиган қиз топилган экан, энди ер остида яшаш фикримдан кевиб, отамнинг олдига қайтаман.

Нотаниш йигит тонгда Нтомбиндени кекса онасининг олдига юборибди. Кампир ҳам қўрқув, ҳам ҳаяжон аралаш кулбага кириб, котаниш йигиттининг олдида тиз чўкибди.

— Ўғлим, сенмисан, — деб ҳўнграб йиғлаб юборибди у. — Сенинг чақнаб турган кўзларингни ва ярқироқ баданингни унутармидим мен?

— Отамга нима дейсиз? — деб сўрабди Илон-Одам.

Кампир, бўёни менга қўйиб беравер, дегандай бош ирғаб кулиб қўйибди. У кулбадан чиқибди-ю, тўғри қабила бошлигининг олдига борибди.

— Ҳаммага пиво тайёрлашни буюр! — деб хитоб қилибди Маниока хурсанд бўлганидан.

— Пиво нима учун керак бўлиб қолди?

— Кейин биласан! Мен илгаригидай қабила бошлигининг обрўзи катта хотини бўлишни истайман, буни халойиқ кўриб қўйсин. Унинг ўғли ҳали йўқолганича йўқ.

Шундай қилиб, ҳамма пиво тайёрлашга киришибди. Халойиқ йигилибди. Йигилганлар кекса Маниоканинг устидан кулишибди.

— Нимага шунча хурсанд бўляпти бу зурриётсиз тараша? — деб сўрашаркан улар бир-бирларидан.

Оғизига кучи етмаганлар нима дейишса дейишибди-ю, аммо ҳамма пиво ичиш учун бажонидил келибди.

Кекса хотини ҳеч нарсани айтмаган бўлса ҳам қабила бошлиғи кутилмаган бир воқеа бўлишини билиб, ўзининг ҳамма аскарларини чақирибди. Қилич ва қалқонлар билан қуролланган аскарлар молқўра олдида саф тортишибди, аммо кампир ҳали ҳам сирини очмабди.

Мана, бегона қизининг кулбасидан баланд бўйли, бақувват йигит чиқиб келибди. Унинг бадани қуёшда ярақларкан.

Ҳамма ҳангуманг бўлиб қолибди, Маниока эса, эрининг олдинга бориб тиз чўкибди.

— Бу бизнинг ўғлимиз! Сенинг меросхўринг қайтиб келди! — дебди у.

Халойиқ хурсанд бўлиб кетибди. Ака-укалари ҳасаддан ичлари ёнаётган бўлса ҳам, ҳеч қайсиси бирор сўз айтишга журъат қилолмабди.

Қабила бошлиғи меросхўрнинг қайтиши шарафига зиёфат бе-  
рибди ҳамда жуда катта тўю томоша қилиб, узоқ мамлакатдан  
Илон-Одамни қидириб келган довюрак қизни ўғлига олиб берибди.

Чопар юбориб, тўйга Нтомбиндинг ота-онасини ҳам олиб ке-  
лишибди. Ниҳоят, ҳаддан зиёд жасур ва қайсар қизининг тақдири-  
дан Узикулумининг кўнгли тўқ бўлибди.

Лекин ҳаммадан ҳам Маниока хурсанд бўлибди. У турмушга  
чиққанида бош хотин ҳисобланган экан. Келиннинг қалин моли  
бутун қўргон аҳлидан йиғилган экан. Маниока қабила бошлиғи  
учун меросхўр туғиб бериши керак экан, аммо у туқсан ягона  
ўғил ийқолиб қолибди. Шунда уни бутун ҳақ-хуқуқларидан маҳрум  
қилиб, қўргоннинг бир чеккасига, дарвозанинг олдидағи хароба  
кулбага кўчиришибди. Бу кулбада кампир ёлғиз ўзи яшар, қисма-  
тидан зор-зор йиглаб кун кечираркан. Маниоканинг баҳтига қўр-  
ғонга жасур қиз келиб, фарзандини топиб берибди-ю, унинг илга-  
риги ҳақ-хуқуқи, обрўси тикланибди.

Нтомбиндега бўлажак қабила бошлиғининг хотини сифатида  
қоплоннинг думини, қайнанаси Маниокага эса ҳурмат белгиси си-  
фатида ёввойи мушукнинг думини совға қилишибди. Бу қабила-  
нинг одати экан.

Шундай қилиб, Илон-Одамнинг ҳасадгўй ака-укаларидан бош-  
қа ҳамма хурсанд бўлибди. Илон-Одам билан унинг хотини Нтом-  
бинде узукка кўз қўйгандай бир-бирига муносиб дейишибди одам-  
лар.

## ◆ ҚУЁШ НУРИДАН ҚЎРҚАДИГАН АЁЛ ◆

Бир аёл ўз ерида деҳқончилик қилар экан. Аммо сира иши  
юришмас, экинлари яхши ҳосил бермас экан. «Нима кераги бор  
менга шу ғалланинг? — дебди у ўзига-ўзи ҳасрат билан. — Бир  
ўзим яшасам, эрим аллақачон мени унуган, болаларим эса йўқ.  
Сирасини айтганда, менинг ҳаётим тугаган!»

Аёл ишини тўхтатиб, қақайганча узоқ-узоқларга тикилибди.  
Қараса, ерда кичкинагина бир сариқ қушча сакраб-сакраб юрган-  
миш. Тумшуғида нимадир бормиш. Қушча пир этиб учибди-ю,  
тўғри келиб аёлнинг елкасига қўнибди. Буни кўриб у ҳайрон бў-  
либди.

— Қангела! — деб тилга кирибди қушча. Бу унинг: «Қўлингни  
оч!» — дегани экан.

Аёл итоаткорона қўлини очган экан, қушча унинг кафтига бир  
нечта дон ташлабди.

— Овқатланишдан олдин шуларни ютгин, — деб чирқиллади  
қушча, — шунда сен анчадан бери орзиқиб кутганинг фарзанд кў-  
расан.

Аёл хурсанд бўлиб кетганидан қушчага қандай миннатдорчилик билдиришни билмабди.

— Мен сени қандай хурсанд қилсам экан, эй сеҳрли қушча?— дебди ҳаяжонланиб, сўнг бўйидаги ялтироқ маржонни олиб бермоқчи бўлибди.

Аммо қушча унинг маржонини олмабди. Фақат у дарёнинг саёз жойидан кичкина ясси тош топиб беришини сўрабди. Аёл дарё бўйидан шундай тошни топиб, қушчага олиб келиб берибди. Вақт соати етиб, аёл қиз туғибди. Буни эри билмас экан. У хотинини фарзанд кўрмасликда айблаб, унга бош қўрғондан узоқроққа кулба қуриб берган-у, шу-шу ундан хабар олмай қўйган экан. Аёл қизини ҳеч кимга кўрсатмасликка қарор қилибди. Қизим катта бўлганида эрим кўрса, тағин менга кўнгил қўяди, деб умидвор бўлибди. Шунинг учун қизи Тангалимлибони кундузлари ташқарига чиқмасликка, фақат кечалари ишлашга, кечалари сув олиб келишга ўргатибди.

Қиз улғайибди, унинг бадани оппоқ экан, негаки қуёш нурини кўрмаган экан. У ой қизи-ю, тун фарзанди экан.

Бир куни ойдин кечада Танганинг отаси ўз қабиладошлари билан овдан қайтиб келаётиб, булоқ бошида қизни учратибида-да, ундан сув сўрабди. Қизнинг ҳусни уни маҳлиё қилиб қўйибди:

— Бу ким бўлди экан? — деб ўйлади у. — Бу қизни умримда кўрмаган бўлсан ҳам, шу яқин ўртада яшаса керак.

Овчилар бирпас тўхтаб, қани, қиз қаёққа бораркин, деб қараб туришибди. Қиз эса ёлғизоёқ сўқмоқдан тепаликка кўтарилиби-ю, сўнг онасининг кулбасига кириб кетибди.

Аёл анчадан бери бу кулбага қадам ранжида қилмаган эри кириб келганида ҳайрон бўлиб қолибди. Эри мулойим жилмайиб дебди:

— Азизим, нега шунча вақтдан бери шундай чиройли қизинг борлигини айтмадинг? Ё бу сенинг қизинг эмасми, ёки бирорта қариндошларингнинг қизи-ю, сени она деб атайдими?

Бечора аёл ҳамма гапни эрига айтиб берибди. Бу ўз қизим дебди.

Отаси аввало қизи Танганинг балофатга етганлигини нишонлаш учун одатга кўра каттакон буқа сўйибди. Пиво тайёрлашибди ва ҳамма қабиладошларини зиёфатга таклиф қилишибди. Жуда кўп меҳмон келибди. Улар қизни кўрмоқчи бўлишган экан, қиз кун ботмай кулбадан ташқарига чиқмайман дебди.

Зиёфат қизиган маҳалда Жебе деган одамнинг ўғли Мпунзи ўйинга тушаётиб, кулбада турган Тангани кўриб қолибди. Ой нурида унинг бадани ярқираб турганмиш. Йигит кўрибди-ю, унга ошиқу беқарор бўлиб қолибди.

Мпунзи отасига қарорини айтган экан, кекса Жебе, кун бўйи

кулбасидан чиқмайдыган қизни келинликка олса бўладими, йўқми, деб ўйлаб қолибди:

— Еш келиннинг одобли бўлгани маъқул, мен бунга қарши эмасман, — дебди у. — Келин деган қўрғонда изгиб юриши шартмас, уларнинг одатига кўра янги тушган келин фақат ўз кулбаси атрофида юриши мумкин экан-у, аммо қўрғоннинг ўртасига, мол-кўра жойлашган ерга бориши айб саналаркан. Аммо кундузи ташқарига чиқишга қўрқса, қандай қилиб ишлай олади у. Сен бизнинг яккаю ягона фарзандимиз бўлсанг, сенга ким ғамхўрлик қиласди?

— Онаси ўғли Мпунзининг ғамгин аҳволини кўриб, у Тангани каттиқ севиб қолганини ҳис қилибди.

— Менга худди шундай келин керак, нимасидан қўрқасиз, худога шукур ҳали куч-қувватим бор, ҳар қанча иш ўзимдан ортмайди, ахир у ҳам қараб турмас, қўлидан келганча қарашар... — дебди.

Улар бир қарорга келишибди-ю, совчиларни, улар билан бирга қалин молини қизникига жўнатишибди. Хулласи калом, Танга Жебеникига келин бўлиб тушибди. Танганикотаси қизининг янги уйига каттакон бир буқа олиб келибди. Танга эса ўзининг кийимидан бир парчасини буқага берибди. Буқа уни ямлаб ютиб юборибди.

Ҳадемай келин қўчқордай ўғил туғиб берибди. Бундан ҳамма курсанд бўлибди. Танга оёқ-қўли чаққон, ҳушёр, саранжом-сарышта келин чиқибди, аммо у кундузлари ҳеч ҳам кулбадан ташқарига чиқмас экан.

Қайнатаси Жебега келинининг бу одати сира ёқмас, уни кундузи ташқарига чиқаришга ҳаракат қилас экан. Қўни-қўшниларнинг болалари Тангани «қуёш нуридан қўрқадиган аёл», деб масхара қилишар, бундан қайнатасининг жаҳли чиқар экан.

Кунлардан бир куни Мпунзи ўз жўралари билан узоқ ерга овга кетибди. Шунда Жебе, мана энди, уни кундузи ҳовлига чиқишига мажбур қиласман, менинг кенжা хотиним ташқарида қандай юрса, у ҳам шундай юрадиган бўлади, деб ўйлабди. Қуёш анча кўтарилиб қолганида Жебе келинига қўрғон чеккасидаги дарёга бориб совуқ сув олиб келишни буюрибди.

Танга нима қилишини билмай, қайнанасини қидирибди, бироқ у бошқа водийдаги қўшниларига кулбанинг устини ёпишда ёрдам бергани кетган экан.

— Дада, мени кечиринг-у, — дебди у қўрқа-писа, — сувга қуёш ботгандан кейин бора қолай. Ё бўлмаса энага бориб кела қолсин.

— Бўлмаган гапни гапирма! — деб қичқирибди Жебе. — Нима, калтак егинг келяптими? Бор тезроқ, совуқ сув ичгим келяпти!

Танга аччиқ-аччиқ йиғлабди. У ўғлини энагага бериб, қўлига қўза ва қовоқдан қилинган чўмич олиби-да, кулбадан чиқибди.

Қүёш нури унинг кўзларини қамаштирибди, у кўзларидан шашқатор ёш оқизиб, ёлғизоёқ сўқмоқдан дарё бўйнга тушибди.

Танга чўккалааб энгашиб, сув олмоқчи бўлган экан, чўмич қўлидан чинқиб оқиб кетибди. Кўзага сув олмоқчи бўлган экан, уни ҳам дарё оқизиб кетибди. Нима қилишини билмай, энди чарм юбкасининг этагига сув олмоқчи бўлиб энгашганида қандайдир бир куч уни дарёга итарибди. Шундай қилиб, у ўзини совуқ сув бағрида кўрибди...

Келинининг келишинни кута-кута тоқати тоқ бўлган Жебе, бор, хабар олиб кел, деб энага қизни юборибди. Қиз эса, қўрқувдан ранги ўчиб қайтиб келибди.

— Ў ҳеч қаерда йўқ! — дебди энага. — Мен бутун қирғоқни қарадим-у, тополмадим. Фақат унинг оёқ изларигина бор, холос.

Чол қўрқиб кетибди ва ўзининг бешафқатлигидан қаттиқ ўкинибди. Бола тинмай йиғлар экан. Чол билан энага уни овутишга қанчалик ҳаракат қилишмасин, фойдаси бўлмабди.

Ниҳоят кампир уйига қайтиб келиб, воқеадан хабардор бўлгач, чолни роса уришибди ва болани тинчтиш учун унга суюққина жўхори бўтқа қилиб берибди. Бола сал бўлса ҳам тинчибди.

Жебе қандай қилиб бу фалокатнинг олдини олишни ўйлай бошлабди. Дарёга Танганинг буқасини олиб бориб ташлашни буюрибди. Одамлар буқани қирғоққа олиб бориб сўйишибди-да, дарёга улоқтиришибди.

— Эй буюк дарё, шу қурбонликни қабул қил-у, боламни қайтариб бер,— деб ялинибди бечора чол.

Дарёдан ҳеч қандай жавоб бўлмабди, буқа ташланган жойда сув ҳалқаланибди, тўлқинчалар қирғоққа келиб урилибди-ю, бирпас ўтмай ҳаммаси тиниб қолибди. Жебе ва у билан келган ёшлиланглар жим ва теп-текис оқаётган дарёга тикилишибди, шунда дарёдан садо келибди:

— Ота-онарга бориб айтинглар, мени дарё ўз бағрига олди.  
Бу овоз бир бор эшитилибди-ю, қайта такрорланмабди.

Кекса Жебе хафа бўлиб, судралганича қўргонга қайтиб келибди. У бу гапни Тангалимлибонинг ота-онасига айта олармиди? Ахир бу фожна ўзининг айби туфайли бўлди-ку!

— Қурбонликдан наф чиқмади,— дебди у хотинига. Яна кампирнинг вайсашини ва боланинг чинқириб йиғлашини эшигишига тўйри келибди.

Чол ўчоқ олдида ғамгин ўтирап, кампир эса ўчоқнинг нариги томонида чўккалаганча, кечки овқат пишириш учун оловни пулғаётган экан. Ҳамон у чолини койишдан тўхтамас экан. Бунинг устига орқасига боғлаб кўтариб юрган набираси бир дақиқа ҳам тинмай чинқириб йиғлагани-йиғлаган экан.

— Унинг снасини мен нобуд қилдим, энди набирамдан ҳам айриламан! — деб ўйлабди чол хафа бўлиб.

— Ҳаммаси тамом бўлди, — дебди юзинчи марта тақорорлаб кампир. — Үзимиз камбағал бўлсан ҳам, яхши қолинга дуч келув-дик. У бизга қўчқордай ўғил туғиб берганди. Сен мияси айнига жаҳони аҳмоқ чол уни дарёга гарқ қилдинг. Энди ўғлиниг овдан қайтиб келса нима дейди? У энди сени ўлдиради! Кошкнейди ўлдиурса, сени ўлдирган одам савобга қолади...

Кампир тинмай жаврар, Жебе эса бошини эгганича ўтирас, кўзларидан тинмай ёш оқар экан.

Ниҳоят ярим кечага бориб, кулба ичи жимиб қолибди. Қексалар ухлашибди, энага Ноно эса чақалоқни бағрига босиб мудрай бошлабди. Аммо бу жимлик кўпга бормабди. Чақалоқ жажжи оёқчаларини типирчилатиб, яна йиғлай бошлабди. Ноно сакраб ўрнидан туриб, чақалоқни қўлига олибди.

«Улар уйғониб кетса яна жанжаллашишади!» — деб ўйладди у. Чақалоқни орқасига опичиб, секин кулбадан чиқибди-ю, дарё бўйига қараб кетибди. Энага дарё бўйида ўёқдан-буёққа юрганча, секин қўшиқ айта бошлабди:

Йиғлайди у, йиғлар ойдинди.  
Онажони сабр этар бунда.  
Йиғлайди у, йиғлар ойдинда.

Шу пайт Ноно суёдан кимнингдир чиқиб келаётганини кўриб қолибди. У Танга экан. Нононинг ёнига келиб, унга қўлини чўзибди. Энага қиз жуда қўрқиб кетибди-ю, дарҳол орқасига чекинибди. Танга эса унга эргашиб келаверибди.

— Боламни менга бер. Мен тағин ўзинингга қайтариб бераман.

Онаизор фарзандини бағрига босиб, эмизар экан, шўрлик энага бирпас бўлса ҳам дарё бўйида мизғиб олибди.

Тонгга яқин Ноно кулбага кириб келибди. Болани ўрнига ётқизибди-ю, ўзи ҳам ёнига ёнбошлабди. Танга энагадан бу сирни ҳеч кимга айтмасликни илтимос қилиб, мабодо битта-яримта сўраб қолса, чақалоққа мева едирдим деб айтасан, деб тайинлабди.

Шундай қилиб, Танга уч. кунгача дарёдан чиқиб, боласини эмизиди, бу сирдан фақат энага қиз хабардор экан.

Ниҳоят Танганинг эри овдан қайтиб келибди. У семиз кийикнинг орқа оёғини олиб келган, уни тезроқ онаси билан хотинига кўрсатиб мақтамоқчи экан.

Аммо онаси унга хотини Тангани куппа-кундуз куни отаси сув олиб келиш учун юборганини ва унинг дарёга гарқ бўлганини айтиб берибди. Бу гапни эшитиб Мпунзининг жуда жаҳли чиқибди. Отаси эса ўғлиниг яқинига боришга ҳам журъат қилолмабди.

— Ўғлим ҳам у биланмиди? — сўрабди Мпунзи.

— Йўқ, ўғлиниг шу ерда. Унга ҳеч нарса қилгани йўқ,— деб жавоб берибди онаси.

Энага қиз Нонони чақиришибди. У болани күтартганча кулбага кирибди.

— Дўмбоққина бўлиб қолибди-ку, — дебди ҳайрон бўлиб Мпунзи болани қўлига олар экан.

— Ҳа, — дебди бувиси. — Ўзим ҳам ҳайронман, онасини эм-маётган бўлса...

Мпунзи энагага қараган экан, у кўзларини четга олибди. Мпун-зининг назарида у бир сирни яшираётгандай бўлибди.

— Болани нима билан боқяпсан? — деб сўрабди ундан.

— Бувиси бўтқа пишириб беряптилар, мен эсам... мева-чева.

— Мева-чева?! — дебди Мпунзи. — Қани бўлмаса, ўша меванг-дан олиб келиб едиргин-чи.

Ноно мева олиб келиб чақалоқнинг оғзига тутган экан, у мева-ни ейиш ўёқда турсин, егиси келмаганидан чинқириб йиғлабди.

Шунда Мпунзи энаганинг қўлидан маҳкам ушлаб:

— Ростини айт! — деб туриб олибди у.— Онаси қаерга яши-риниб ётибди?

Ноно йиғлай-йиғлай ҳамма гапни айтиб берибди.

Мпунзи ўртоқларининг олдига бориб, ёрдам беришларини ил-тимос қилибди. Қоронғи тушиши билан улар дарё бўйига боришибди-ю, Мпунзини узун қайиш билан боғлаб, қайишнинг иккинчи учидан ушлаганча ўртоқлари қоя ортига ўтишибди. Мпунзи эса қамишлар орасига яширинибди. Ҳар кунги маҳалда энага болани кўтариб қирғоққа келиб, қўшиқ айта бошлабди. Сув аста-секин чекиниб йўл очибди-да, Танга қирғоққа чиқиб келибди.

— Бу ерда ҳеч ким ўйқми? — деб сўрабди у хавфсираб.

Энага ҳеч нарса демабди-ю, шошиб-пишиб болани унинг қўлига тутқазибди. Шу заҳоти қамишлар орасидан Мпунзи сакраб чиқиб, боласи билан хотинини маҳкам қучоқлаб олибди. Танга ундан қу-тулмоқчи бўлиб типирчилар, чинқирап экан. Аммо бу қий-чувни эшитган Мпунзининг ўртоқлари дарҳол қайишни тортишибди. Танга эса нимадир эрини, эрига қўшиб ўзини қирғоқдан узоқлаштираётганини сезибди.

— Бу нима ўзи? Мпунзининг ўртоқлари дарё суви қирғоқдан чиқиб, уларга әргашиб келаётганини кўриб, даҳшатга тушишибди. Бундай қарашса, теварак-атрофни сув босиб кетадиган эмиш. Сув-нинг ранги ҳам қандайдир қизғиш, қон рангида эмиш.

Буни кўриб қўрқиб кетган Мпунзининг ўртоқлари қайишни қўйиб юборишибди-ю, қий-чув қилиб қочиб қолишибди. Мпунзи эса, қўлида ўғли билан қирғоқда қолибди. У қирғоқда тураркан, хотинини сув қандайдир олиб кетаётганини кўрибди.

Ўғлининг қўрғонга ҳориб-толиб, дард-алам билан қайтиб кел-ганини кўрган Жебе юрак ютиб илгари ўзи борганида дарёдан: «Ота-онамга бориб айтинглар, мени дарё ўз бағрига олди», деган овоз эшитилганини айтибди.

Шунда Мпунзи ўзининг учқур буқасига мурожаат қилибди.

— Менинг учқур буқам, бу хабарни Тангалнимлибонинг ота-онасига етказасанми?

Аммо буқа маъраб қўйибди-ю, жойидан қўзғалмабди. Мпунзи энди итига мурожаат қилибди, ит эса жавоб бериш ўрнига вовуллабди, холос. Кейин у хўрозга ҳамма гапни айтиб берибди. Шунда хўроз унга жавоб қилибди:

Камтардир хўроз, гарчи у дароз!  
Қуқ-қу-қу-қу-у-у!  
Қизинг чўмичла  
кетди дарёга  
Ва бирдан шу чоқ —  
йўқолди мутлоқ!  
Сўрма новвосдан —  
балчиқقا ботган.  
Кучук олғир-у —  
суюк ғажир у.  
Чаққонман ўзим —  
кутиб тур бир зум!

Мпунзи ақлли хўрозининг бу жавобидан хурсанд бўлиб, энди ҳеч қачон уни сўймасликка ваъда берибди-да, вақтни ўтказмай тезда сафарга отланишни буюрибди.

Хўроз йўлида анча саргузаштларни бошидан ўтказибди, аммо ҳар гал хавф-хатардан уни қўшиғи асраб қолибди ва ниҳоят Танганинг ота-онасиникига етиб борибди.

Бахтига Танганинг онаси ўтдан сеҳрли дори тайёрлашни билар-кан, у дарҳол ишга киришибди. Бу дори-дармонлар қизини дарё бағридан кутқаришга ёрдам берар экан. Танганинг отаси битта бўрдоқи буқа олибди ва улар йўлга тушишибди. Хўроз бўлса буқанинг устида гердайиб ўтириб олибди...

Улар кечқурун буқани қурбонликка дарёга ташлашибди. Аммо бу сафар Танганинг онаси ўзи тайёрлаган дориларни ҳам ишга солибди. У бир дорини ёқибди, бошқасини тошларга сепибди. Улар кўп кутишибди, энага қиз Ноно эса, қўшиғини хиргойи қилганича қирғоқда уёқдан-буёққа юра бошлабди.

Тепалик ортидан ой қўринганида сув чекиниб, дарёдан Танга чиқиб келибди. Отаси билан онаси қўлидан етаклаб уни интизорлик билан кутаётган эрининг олдига олиб боришибди.

Сув бир тўлқинланибди-ю, сўнг тинчиб, ойдинда жимиirlагани-ча сокин оқа бошлабди.

Жебе ўз хатосини аллақачон тушунган экан, шунинг учун ҳам Мпунзи ва Танганинг ота-онаси унга таъна қилиб ўтиришмабди. Жебе эса тақдирга тан бериб, ҳеч қачон севикли келинини кундузлари ишга буюрмайдиган бўлибди.